

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

ТЎРАЕВ БЕҲЗОД

САМАРҚАНДАГИ ИШРАТХОНА ЁДГОРЛИГИНИНГ МУДОФАА
ҲУДУДИ ВА МЕЪМОРИЙ - ЛАНДШАФТ МУҲИТИНИ
ГРАФИК ҚАЙТА ТИКЛАШ

5A580104 – “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги

“Ландшафтлар архитектураси” бўйича магистр

даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Диссертация кўриб чиқилди

ва ҳимояга рухсат берилди.

“Архитектура назарияси ва тарихи”

кафедрасининг мудири

Т.Ф. ҚЎШМОНОВ _____

Илмий раҳбар: арх.ном., доц.

А.Б. БАЛГАЕВ _____

Самарқанд – 2012

Кириш	
I-БОБ. САМАРҚАНДАГИ ИШРАТХОНА ЁДГОРЛИГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.....	
1.1. Ёдгорликнинг шаклланиш тарихи.....	
1.2. Ишратхона – Дилкушо боғининг кўшки.....	
1.3. Ишратхона ёдгорлигининг архитектураси.....	
I-боб хулосаси	
II-БОБ. ИШРАТХОНА ЁДГОРЛИГИНИНГ МУДОФАА ҲУДУДИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	
2.1. Ишратхона ёдгорлигининг ҳозирги ҳолати.....	
2.2. Ишратхона – Дилкушо кўшкининг мудофаа ҳудудини ташкил қилиш II-боб хулосаси.....	
III-БОБ. ИШРАТХОНА ҲУДУДИНИНГ МЕЪМОРИЙ-ЛАНДШАФТ МУҲИТИНИ ГРАФИК ҚАЙТА ТИКЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР.....	
3.1. Дилкушо боғи ва унинг меъморий-режавий ечими	
3.2. Меъморий ёдгорликлар ҳудудининг меъморий-ландшафт муҳитини ташкиллаштириш тамойиллари.....	
3.3.Ишратхона ҳудудининг меъморий-ландшафт муҳитини график қайта тиклаш бўйича таклифлар.....	
3.4. Ишратхона ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш.. III-боб хулосаси	
ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
ИЛОВА	

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблигини асослаш. Истиқлолимиз шарофати, Республикамиз раҳбарияти ва хусусан Ислом Каримов раҳнамолиги ва ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли вилоят ва тарихий шаҳарларида мавжуд бўлган меъморий обидаларни бус-бутун ҳолда сақлаб қолиб, келгуси авлодларга етказиш учун уларни таъмирлаш, консервациялаш ҳамда улардан замонавий эҳтиёжлар учун самарали фойдаланиш, бу эҳтиёжларга уларни мослаштириш, уларнинг атроф-муҳитини ободонлаштириш, шунингдек муҳофаа зоналарини тартибда сақлаш каби қатор долзарб ва эзгу ишлар навбати билан ўз ечимини топиб, амалга оширилиб келмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Имом Мотрудий ва Шохизинда зиёратгоҳларини, Бухородаги Баховуддин Нақшбанд, Чорбакр ва Масжиди Калон меъморий мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурхониддин Марғилоний ёдгорликларини, Сурхондарёдаги Хаким ат-Термизий ва Имом ат-Термизий, Хивадаги Ичан қалъа ёдгорликлари, Шахрисабздаги Дор ут-тиловат, Кўк масжид, Қарши шаҳридаги Одина масжиди ва Кўк гумбаз обидалари, Тошкентдаги Ҳазрати Имом меъморий мажмуалари ва улар сингари ўнқаб ҳатто юзлаб қадамжоларни обод ва кўркем ҳолда келтириш бўйича бажарилган ишларни эслаш ўринлидир.

Дарҳақиқат, ўтмишдан қолган тарихий обидаола сақлаб қолиш, таъмирлаш ва улардан тўғри фойдалана билиш, ўта мураккаб, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим ва тажрибани, юксак салоҳият, керак бўлса, маънавий покликни талаб қиладиган серқирра соҳадир. Бу соҳада қандайдир иккинчи ёки учинчи даражали ишнинг ўзи йўқ. “Чунки бу – халқимизнинг тарихий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавиятининг юксалиши билан боғлиқ масаладир”, деган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2000 йил 20-апрелдаги “Ўзбекистон архитектура ва шаҳарсозликни янада ривожлантириш чора - тадбирларини тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3-май 2008 йилдаги “Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши ҳамда 2010 йил 17-декабрда Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Ислон Каримовнинг сўзлаган нутқларидаги фикрлар ва улар асосида ишлаб чиқиладиган архитектура – қурилиш лойиҳалари ва лойиҳа – тадқиқотларга бағишланган ишлар сифатини жиддий ошириш, лойиҳалаш ишларини ривожлантиришнинг халқаро стандартлари ҳамда йўналишларига мувофиқ тарзда бугунги ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари жадал давом этмоқда.

Муаммонинг ишлаб чиқилиш даражаси. Самарқанддаги Ишратхона ёдгорлиги ҳақида иккита монография, бир неча ўнлаб илмий мақолалар ва маърузалар тайёрланиб, Чоп этилган. Бироқ, биз кўраётган мавзу, яъни Ишратхона ёдгорлигининг муҳофаа ҳудуди ва унинг меъморий-ландшафт муҳитини график қайта тиклаш мавзусига бағишланган илмий ишлар йўқ ҳисоби. Ишратхона ҳақидаги нашр этилган монографиялардан бири “Мавзолей Ишратхона” деб яратилиб, олимлар ҳам муаллифлиги остида М.Е. Массон таҳрири остида ёзилган илмий мақолалар тўпламидан иборатдир. У 1958 йилда рус тилида чоп этилган. Китобга ёдгорликка доир деярли барча масалалар: ёдгорликнинг меъморий режавий ечими, унинг нақшу-нигорлари, ёдгорлик устида олиб борилган архитектуравий-археологик изланишлар натижалари, ёдгорликнинг қурилиш тарихи каби масалалар ёритиб берилган. Муаллифларга Г.А. Пугаченкова, М.Е. Массон ва бошқалар кирган.

Ёдгорлик ҳақидаги иккинчи монография П.Ш.Зоҳидовнинг “Ишратхона-Великий кушк Дилкушо” деб аталади ва у 2007 йилда чоп этилган. Ушбу асарда муаллиф ишратхонани мавзолей, яъни мақбара эмас, балки Амир

Темур курган Дилкушо боғининг кўшк-саройи эканлигини исбот қилишга ҳаракат қилган. Шунингдек, Ишратхон ҳақида Г.А. Пугаченкова , П.Ш.Зоҳидов, В.Л.Вяткин, А.Ю.Якубовский, А.С.Уралов, Ш.А.Асқаров, А.У.Тошхожаев, А.М.Салимов ва бошқалар бир нечта мақолалар чоп эттирган.

Ишратхона ҳақидаги айрим тарихий эслатмалар Шарофуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” Сиди, Захриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” , Абу Тоҳир Хўжанинг «Самария» китобларида ҳам келтирилган. Бироқ, юқоридаги илмий ва тарихий асарларда Ишратхонага кўра биз қараётган масалалар қараб чиқилмаган ва шунинг учун ҳам мазкур диссертация мавзусини долзарб деб ҳисоблашга тўлиқ асосимиз бор Дея оламиз.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Ишратхона ёдгорлигини ва унинг ҳозирги мавжуд ҳудуди ва уни ўраб турган атрофини натурада ўрганиб, ёдгорликнинг муҳофаа ҳудуди ва меъморий-ландшафт муҳитини график қайта тиклаш бўйича илмий ва лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Диссертацияда қўйилган ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **илмий вазифалар**ни ҳал қилиш кўзда тутилган:

- Ишратхона ёдгорлигини меъморий-ландшафт ўрганиш;
- Ёдгорликнинг муҳофаа ҳудудини аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ёдгорлик ҳудудини меъморий-ландшафт жиҳатдан ташкил этилиш асосларини таҳлил қилиш асносида унинг муҳитини график қайта тиклаш ва уни лойиҳа шаклида ифодалаб бериш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки тадқиқотда илк бор Самарқанддаги Ишратхона ёдгорлигининг муҳофаа ҳудуди чегаралари аниқланиб, ушбу ҳудуд эгаллаган муҳитнинг меъморий ландшафт ечими, яъни ёдгорлик атрофидаги муҳитда гузал манзаравий чорбоғ ташкил этиш

бўйича лойиҳа таклифи ишлаб чиқилган. Ҳозирга қадар масалага бундай ёндашув Ишратхонага нисбатан амалда қайд қилинмаган.

Тадқиқот предмети ушбу ноёб обидага илмий жамоатчилик диққатини қаратган ҳолда уни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида обидани консервация қилишни таклиф қилиш, унинг мудофаа ҳудуди ва меъморий ландшафт муҳитини график қайта тиклашдан иборатдир.

Тадқиқот объекти. Самарқанд шаҳрида Амир Темур даврида қурилган ва бизгача ҳароба ҳолида сақланиб қолган Ишратхона меъморий обидаси ва унинг атроф муҳити.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Кўп йиллар давомида ташландиқ ҳолда қаровсиз қолиб кетган ва кўп талофатлар кўрган Ишратхона ёдгорлиги Темурийлар даврининг ноёб обидасига, юқорида айтганимиздек, кенг жамоатчилиг ва олимларимиз эътиборини қаратиб, мазкур обидани келажак авлод учун сақлаб қолиш, уни тарихий меъморий мерос сифатида авайлаб-асраш, унинг мудофаа ҳудудини аниқлаш, бу ҳудуд муҳитини меъморий-ландшафт ташкиллаштириш саъй-ҳаракатларига ёрдам бери шва шу мавзуга доир меъморий лойиҳаларни ишлаб чиқишда мазкур тадқиқотнинг аҳамияти каттадир. Тадқиқот натижалари шунингдек, “Архитектура” йўналишида таълим олаётган талабаларга ҳамда Самарқанд вилояти тарихий ва меъморий обидаларни қўриқлаш ва улардан фойдаланиш Давлат назоратининг амалий ишларига яқиндан ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Тадқиқотнинг синов(апробация)дан ўтиш ва амалиётга жорий этилиш ҳолатлари. Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд давлат архитектура – қурилиш институтида 2011-2012 йилларда бўлиб ўтган ёш олимлар, иқтидорли талабалар, магистрлар, аспирант ва тадқиқотчилар илмий конференциялари ва архитектура факультетининг илмий-услубий семинарларида илмий доклад (маъруза) тарзида ҳамда СамДАҚИнинг “Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” илмий техник журналида чоп этилган илмий мақолалар тарзида эълон қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Диссертациянинг таркиби кириш, 3 та боб, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан тузилган. Ишнинг ҳажми ____ бетдан иборат. Низомга кўра диссертация иши А4 (21х29) формат қоғозда компьютерда 1,5 интервалда, 14 шрифтда ёзилди.

I-БОБ. САМАРҚАНДДАГИ ИШРАТХОНА ЁДГОРЛИГИ

ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

1.1. Ёдгорликнинг шаклланиш тарихи

Республикаимиз меъмор ва тарихчи олимларига анчадан бери маълум бўлган қизиқарли бир илмий баҳс яқинда ўз ниҳоясини топди. У Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги, санъатшунослик доктори, профессор, дунёга таниқли олима, ҳурматли Г.А. Пугаченкова (устоз) ва архитектура доктори, профессор, таниқли олим П.Ш. Зоҳидов (шогирд) орасидаги Самарқанд шаҳрида жойлашган “Ишратхона” номли меъморий ёдгорлик ҳақидаги баҳс эди. Баҳс 1958 йилдан бошланган.

1958 йилда М.Е. Массон муҳаррирлигида рус тилида “Мавзолей Ишратхана” номли илмий тадқиқотлар тўплами чоп этилади. Мазкур китобда “Ишратхона”га оид маълумотлар: обиданинг қурилиш тарихи, меъморий – ҳажмий ечимлари, қурилиш материаллари ва нақшу-нигорлари муфассал баён этилди ва барча муаммолар ўз ечимини топди, деган хулосага келинган эди. Ушбу хулосага кўра, “Ишратхона” Темурий Султон Абу Саид оиласига мансуб хотин-қизлар ва болалар учун мақбара сифатида 1464 йилда қурилгани ҳақидаги фикр илму-фанга киритилган эди.

Маълумки, илму-фан тадқиқотчи олимларнинг маълум босқичда аниқ деб ҳисоблаган илмий хулосаларини янада чуқурроқ ўрганиб, қайта кўриб чиқишлари натижасида янги илмий хулосаларга келиши билан ривожланади. Бу жараён фан оламида тез-тез содир бўлиб туради. “Ишратхона” устида олиб борилган тадқиқот натижалари ҳам айнан ана шундай жараённи бошидан кечирди.

“Нечун мотам ва қайғу манзили-қабр устига қурилган бино Ишратхона дейилса? Наҳотки, Ишратхонадек гўзал ва нафис бино мақбара бўлса? Мақбара ва Ишратхона ҳеч қачон бир-бирига қовушмайдиган тушунчалар-ку!”. Бу борада олимларимиз адашмадимикин?”, деган саволлар туғилди.

Юқорида келтирилган “Ишратхона- бу макбара” хулосасига республикамизда илк бор П.Ш. Зоҳидов ўзининг янги ғоясини, яъни “Ишратхона – бу макбара эмас, балки Амир Темурнинг Дилкушо боғида қурилган кўшк-сарой”, деган ғоясини қарши қўйиб, бу фикрни илмий асослаган ҳолда матбуотда 1974 йилда “Дворец или мавзолей” номли мақоласида чоп эттирди.

Мана 35 йилдан ошдики, ўшандан бери устоз ва шогирд орасидаги илмий баҳс давом этиб келди. 1975 йилда устоз шогирди фикрига эътироз билдириб, Ишратхонани яна “И все-таки –мавзолей!”, деб янги мақоласини чоп эттирди.

Шундан сўнг баҳс яна авж олиб П.Ш. Зоҳидов 1996 йилда “Архитектурное созвездие эпохи Темура” ва «Амир Темур в мировой истории» номли китобларида Г. А. Пугаченкова эътирозига жавоб тариқасида яна ўз ғоясини қарши қўйди. Бироқ, Г. А. Пугаченкова ҳам қараб турмади, у 2000 йилда ўзининг “Ещё раз об Ишратхане” номли мақоласи билан шогирдига яна қарши чиқди. Нафақат қарши, балки унга қатор айблар қўйди. Шогирд бу сафар ўзини камситилгандек сезд, чунки устоз дунёга танилган олима, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, шогирд эса оддий профессор эди.

Бироқ, П.Зоҳидов ҳам бўш келмади. Энди у олиманинг мақоласидаги ҳар бир сўз ва иборани, қарши билдирилган фикрларнинг барчасини чуқур таҳлил қилиб, текширди. Тарихий ва илмий манбаларга қайта-қайта мурожаат қилди, таржималарни қўлёзмаларнинг аслига таққослаб устози йўл қўйган илмий чалкашликларни бирма-бир тўғрилаб чиқди. Энг муҳими П. Зоҳидов ўз устозига қарши ўта маданиятли тарзда, илмий этика талабларига қатъий риоя қилган ҳолда маданий баҳс олиб борди.

Ва ниҳоят икки йирик олим, устоз ва шогирд орасидаги ушбу баҳслар янги китоб “Великий кёшк Дилкушо (Архитектурные тайны Ишратханы)”нинг ёзилишига, сабаб бўлди. Китоб 2004 йилда ёзиб тугалланди. Бироқ у 2007 йилда, устоз ва шогирднинг вафотидан сўнг рус

тилида икки қисмдан иборат кўринишда нашрдан чиқди. П. Ш. Зоҳидов ўзининг бу китобида М.Е. Массон ва устози йўл қўйган барча чалкашликларни узил- кесил ва аниқ илмий далиллар асосида очиб бериб, узоққа чўзилган бу илмий баҳсга нуқта қўйди.

Йўл қўйилган чалкашликлар қуйидагилардан иборат эди:

1. “Ишратхона” нинг мақбара, деб хулоса қилинганлиги. Аслида у Амир Темурнинг Дилкушо боғида қурилган кўк гумбазли буюк кўшк, яъни боғ-сарой бўлган. Ишратхонанинг мақбара деб топилиши эса мусулмонлар диний ҳиссиётларини ҳақорат қилиш билан баробар эди;

2. Ишратхонани 1464 йилда темурий Султон Абу Саиднинг набираси Ҳабиба Султон бегим томонидан унинг ёш вафот этган қизи Ҳованд Султон бегим учун мақбара ва унинг даҳмаси қўйиладиган бино тарзида қурилган, деб топилиши. Аслида бу фикр В.Л. Вяткин топган вақф хужжатида ва Абу Тоҳир Хўжанинг “Самария”сида келтирилган маълумотларга асосланиб айтилган. Бироқ, мазкур тарихий манбаларда Ҳабиба Султон бегим айнан Ишратхонани 1964 йилда мақбара тарзида қурганлиги ҳақидаги далил келтирилмаган. В.Л. Вяткин ҳам топилган вақфни “Ишратхонага тегишли хужжат” деб тахмин қилиб, нашр эттиришга шошилмаган. Бундан фойдаланган М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченковалар вақфни В.Л. Вяткин вафотидан сўнг унинг номидан чоп эттириб, унга “Ишратхонанинг вақф хужжати” деб ном берганлар. Ишратхонани эса аслида 1397 йилда Амир Темур ўзининг Дилкушо боғида кўшк тарзида қурдирган. 1464 йилда эса Ҳабиба Султон бегим қизи эмас, балки онаси Ҳованд Султон бегимнинг даҳмаси жойлашган кўк гумбазли бинони мазкур даҳма ҳисобига вақф тарзида хужжатлаштирган. Мазкур гумбазли бино аслида бошқа жойда, яъни Ишратхона яқинидаги Абду Дарун мақбара-мозорига шимол тарафдан ёнма-ён жойлаштирилиб, Мирзо Улуғбек даврида 1449 йилгача қурилган;

3. “Ишратхона”га дастлаб Ҳованд Султон бегим дафн этилган, унда ҳар куни намоз ўқилган дейилиши. Ҳованд Султон бегим аслида юқорида

эслатганимиздек, Абду Дарун мақбарасига ёнма- ён жойлашган гумбазли бино - хонақоҳга кўмилган;

4. “Ишратхона”нинг катта асосий зали ва унинг остидаги мавжуд тағхонани мақбара дахмалари сақланадиган жой дейилиши. П. Зоҳидовнинг фикрича бинодаги тағхона аслида Дилкушо кўшкining “казноқ”и, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа буюмлар сақланадиган улкан совуқ хонаси бўлган. Ундан тез-тез фойдаланиб турилган. Шунинг учун ҳам у кошин ва мармар билан зийнатланган;

5. “Ишратхона”нинг ўртасидаги катта залини меҳробли масжид бўлган дейилиши. Аслида бинода бундай масжид йўқ, чунки устоз томонидан залнинг шарқида меҳроб деб кўрсатилган жой Ислом қоидаларига кўра қиблага, яъни ғарб ёки жанубий-ғарбга қаратилмаган. Устознинг меҳроб деб кўрсатган жойи эса аслида Ишратхона бош залининг “шаҳнишин”и бўлган;

6. Темур қурдирган боғ-саройларда ўртадаги катта залнинг тарҳи ҳоҳ композициясида бўлмаган дейилиши. П. Зоҳидов бу фикрга эътироз билдириб, Самарқанддаги “Боғи Чинор”, “Боғи Нав” боғ саройлари ва Ҳиротдаги “Таробхона” боғ кўшкining асосий хоналари ҳоҳсимон тарҳда бўлганлигини аниқлаган. Умуман олганда ҳоҳсимон тарҳ йиғноқ меъморий ҳажм-фазовий композицияга асосланган кўпгина маҳобатли сарой ва кўшкларга ҳос бўлган универсал режавий ечимдир;

7. Дилкушо кўшк қурилган боғни, яъни “Боғи Дилкушо”ни ҳозирги Ишратхона турган жойда эмас, балки Самарқанд шаҳридан 6 км узоқда, “Хончорбоғ” деб аталадиган қирликда деб топилиши. Аслида эса Боғи Дилкушо Темур боғларининг ичида Самарқанд шаҳрига энг яқини бўлиб, у шаҳардан шарқ тарафда тахминан 2 км масофада, Конигул сайхонида, ҳозирги Ишратхона атрофида жойлашган бўлган. Шаҳардан 6 км узоқда эса Темурнинг бошқа боғи, П. Зоҳидовнинг эҳтимолига кўра, “Боғи Бўлди” жойлашган. Бу маслани П.Зоҳидов ўзининг “Великий кёшк Дилкушо (Архитектурные тайны Ишратханы)” асарининг 1- қисмида тарихий манбаларга асосланган ҳолда узил-кесил ҳал қилган (китобнинг 39-50

бетларига қаранг). Шунга қарамасдан айрим олимлар Боғи Дилкушонинг ўрнини яна ўша “Хончорбоғ”га ҳозирги Сочак қишлоғига яқин бўлган бошқа боғга тақайдилар. Хўш, Боғи Дилкушо ҳақиқатдан ҳам ўша “Хончарбоғ” ўрнида бўлган бўлса, у нега ва қандай қилиб “Хончарбоғ” номи билан аталиб қолган;

8. Дилкушо боғ-саройининг буткул кулаб, бизгача сақланмаган дейилиши. Аслида у Ишратхона номи билан сақланиб, бизгача ҳозирги хароба ҳолида етиб келган;

9. Амир Темур даврида кўшк бўлмаган, деб даъво қилиниши. Аслида бу кўшк сўзининг маъносини нотўғри тушунишдандир. Темур қурган боғ-саройларнинг ҳар бирида биттадан кўшк бўлган. Шу пайтгача бу кўшкларнинг барчаси бузилиб кетган, деб тахмин қилинар эди. Аслида улардан 3 таси: Боғи Дилкушо (ҳозирги Ишратхона), Боғи Баланд (ҳозирги Чўпонота кўшки) ва Боғи Чинор (ҳозирги Намозгоҳ) кўшклари ҳамда Самарқанддаги Оқсарой кўшкки бизгача сақланган;

10. Темур қурган иморатларда “кундал” нақш услуби қўлланилмаган дейилиши. Аслида айнан Темур даврининг маҳобатли биноларида мазкур нақш тури қўлланилиб бошланган. Г.А.Пугаченкова ҳам “кундал” услубини айнан Ишратхонада кўриб, уни Ўрта Осиёда илк бор XV асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган, деган фикрга келган. Бироқ, обиданинг қурилишини олима кўрсатгандек қабул қилсак (1464 й.), мазкур услубнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлиши нақ бир авлодга, яъни 70 йилга орқага сурилади. П.Зохидов бу чалкашликни ҳам кечира олмади. Чунки “кундал” нақши Темур даврида унинг Дилкушо кўшида ҳам ўта моҳирона тарзда қўлланган эди.

“Кундал” бино ичига ишланадиган бўртма безак бўлиб, бунда безатилаётган сатҳ (деворга) маҳаллий қизил кесак лой бир неча марта суртилиб, бўртма шакл ҳосил қилинади. Сўнгра мўйқалам билан бўртма шаклга ислимий нақшлар солиниб, ранг-баранг бўёқ ёки зарҳал билан бўялади. Зарҳал рангдан ташқари очик кўк, қизил, оқ ранглар, уларнинг ёнига пушти ва яшил ранглар ҳам қўшилган. Эни бироз оддийроқ кундал

нақшлар оқ кўк асосга тилло суви югиртирилиб ингичка нозик ислимий безаклар солиб ишланган. Кундал Самарқанд обидалари ичида нафақат Ишратхонада, балки Гўри Амир, “Бибиҳоним” масжидида, Оқсарой кўшки ва Тиллакори масжидини безашда ҳам қўлланилган. Бу безак турининг бир неча хиллари мавжуд бўлиб, улар ҳозир ҳам анъанавий меморчилигимизга хос энг гўзал нақшлардан ҳисобланади;

11. Мақбара деб топилган бинонинг “Ишратхона” деб номланишида маҳаллий халқнинг айбланиши. Мазкур кўшкнинг бутун тузилиши, нафис ва ҳашаматли безаклари, қолаверса, ўтмишда шоҳларнинг ишрат-базм даргоҳи бўлганлиги уни маҳаллий халқ томонидан “Ишратхона” дейишга асос бўлган, деб ёзади П. Зоҳидов.

Архитектура доктори, профессор Ш. Асқаров ҳам Ишратхонанинг нотўғри номланиши ҳақида тўхталиб, обиданинг меъморий типологияси ва ўрта аср шаҳарсозлигида тутган ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилган. Олим обидани мақбара ёки Феруза, яъни Дилкушо боғининг кўшки деб эмас, балки ичида масжид ва даҳма жойлашган хоноқах деб кўрсатган. Обиданинг қурилган вақтини эса XIV аср охирида, яъни П.Ш.Зоҳидов кўрсатган вақтга яқин деб топган. Обидани Ишратхона эмас, балки “Ишоратхона”, яъни “Оллоҳ ва олий ҳукмдор Темурнинг кўрсатмалари уйи” бўлган деб тушунтиради. Ш.Асқаровнинг фикрича, мазкур обидани Темур қурмаган, балки ҳукуматда катта мавқега эга бўлган суфийлар Темурга атаб Оллоҳнинг ишораси билан қурганлар. Мен бу фикрни ҳақиқатдан йироқ деб ўйлайман ва Ишратхона хусусида устод П. Зоҳидов фикрига қўшиламан;

12. Ишратхонада топилган даҳмаларни самарқандлик темурийларнинг оиласига мансуб хотин-қизлар ва болаларга тегишли, деб ҳисобланиши. Аслида Ишратхонанинг тағхонаси-қазноқида темурийлар оиласига мансуб бирон-бир даҳма топилмаган. Бу ерда топилган даҳмалар (уларнинг сони 23 та) сўнги даврларга ва ўзга динли инсонларга тегишли бўлиб, П. Зоҳидовнинг фикрича, улар XVIII аср боши - XIX аср охирларига тўғри келади. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Самарқандда Чор

Россияси ҳукмронлик қилган. Дафнлар ушбу даврнинг ўзга динли инсонларига тааллуқли бўлиши ҳам мумкин. Чунки барча мурдалар исломий қоидаларга мутлоқо зид ҳолда кўмилиб, оёқлари билан қиблага қаратилган. Темурийлар оиласига мансуб мурдаларнинг бу ҳолда кўмилиши мутлоқо мумкин эмас эди.

Ушбу муаммоларга доир қадимий қўлёзмалар ва тарихий манбалардаги маълумотларни синчиклаб ўрганган П. Зоҳидов ҳозирда “Ишратхона” деб аталиб келинаётган обидани Темур ўзининг Дилкушо боғи учун “Улуғ кўшк”, яъни боғ саройи сифатида 1397 йилда қурганлигини исбот қилди. Самарқанд шаҳридаги Ишратхона обидасига доир кўп йиллардан буён илмий баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган сир-синоатларни, меъморий – тарихий муаммоларни илмий асосда ечиб ва ёритиб берди.

Бу ишларга у 45 йиллик умрини сарфлади. Меъморий ёдгорликлар П. Зоҳидов умрининг шундай мазмунига айландики, устод уларни “аждодларнинг забонсиз руҳига менгзагим келади”, дер эди. Устод ёниб яшади. Устозлари П.Зоҳидовга маънавий қаршилик кўрсатгани, ҳатто уни ишдан ҳайдаган пайтлари ҳам бўлган. Лекин у илмий адолат йўлидаги курашдан бир зум ҳам тўхтамади. Ўз армонини охирига етказиб кетди. Бироқ, афсуски, устодга ўзи ёзган китобнинг нашрини кўриш насиб этмади.

Ҳаётининг сўнгги йилларида ҳасталаниб, оёқлари нимжон бўлиб, ногиронлик аравасига муҳрланиб қолган устод олим ана шундай оғир шароитда ҳам илмий адолатсизликка қарши кураш йўлида ўзида куч-ғайрат топа олди ва ўз ташаббусини қойилмақом қилиб уддалади. Маънавий жасорат деб ана шуни айтсалар керак-да!

Республикаимиз Президенти И. А. Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида Озод Шарафиддиновни мамлакатимиз адабиёти ва миллий маънавиятининг юксалиши йўлида кўрсатган жасоратлари учун “Ўзбекистон Қаҳрамони” деб шарафланган эдилар. Мен устод Пўлат Зоҳидовни ҳам ана шундай инсонлар қаторида кўргим келади. Устоднинг Республикаимиз илмий равнақи учун, айниқса миллий меъморчилигимиз

таърихи ва назариясини тиклаш йўлида кўрсатган маънавий жасорати ҳар қандай таҳсинга сазовор деб ўйлайман.

Юксак маданиятимиз намуналари бўлмиш меъморчилик ёдгорликларини кўз қорачиғимиздек сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Талофат кўрган обидаларни асл ҳолига қайтариш шарафли, муқаддас ва, айти пайтда, масулиятли ишдир.

Бу борада республикамизда, айтиқса юртбошимиз Исом Каримов ташаббуслари ва раҳнамолигида амалга оширилаётган юмушлар саноғининг адоғи йўқ.

Эндиги навбат Темурдек бобомиз қурган Дилқушо боғ-саройининг кўшига келса деган умиддамиз. Бу обиданинг бизгача етиб келган “Ишратхона” номидан ҳечам ҳазар қилмаслиғимиз керак. Чунки Мир Алишер Навоийдек улуғ бобомиз ҳам ўзининг “Фарҳод ва Ширин”ида Ишратхона ва Ишратобод биноларининг қурилиши ҳақида маълумотлар берган. Қолаверса мазкур обидани энди “Дилқушонинг буюк кўши” деб аташ мақсадга мувофиқ бўлур эди, чунки буни П. Зоҳидов узил-кесил исбот қилди.

2007 йилнинг 3-20- сентябрларида Германия Потсдам техника университетининг бир гуруҳ профессор ўқитувчилари ва талабалари, Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтлари раҳбарияти билан тузилган битимга мувофиқ Самарқандда бўлишиб, ТАҚИ ва СамДАҚИ ўқитувчилари ва талабалари иштирокида Ишратхона ёдгорлигида “Ёзги академия” ўтказишди. Ушбу лойиҳанинг ташкилотчиси ва раҳбари доктор Свен Валлаш “Ёзги академия” бошлангунга қадар Самарқандда бўлиб, уни ўтказиш учун Самарқанд вилоят таърих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорат инспекциясининг тақлифига биноан Ишратхона ёдгорлигини танлаган.

Немислар ҳомийлигида махсус грант ва дастур асосида ўтказилган ушбу “Ёзги академия” нинг асосий мақсади Ишратхона обидасини тадқиқ қилиш ва уни сақлаб қолиш бўйича тақлиф ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш эди.

Немис олимлари, айти пайтда, ўзбек талабаларига меъморий обидаларни тадқиқ қилишнинг замонавий технологияси ва услубларини ўрганишни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўйдилар. Унда немислар томонидан 8 та ўқитувчи, 10 та талаба, ТАҚИдан 5 та ўқитувчи ва 20 та талаба, СамДАҚИдан эса 4 та ўқитувчи ва 20 талаба, жами 65 киши қатнашди. Улар Ишратхонада 15 кун бўлишиб, уни ўрганди, тадқиқ қилди, обидани келажак авлодлар учун қандай қилиб сақлаб қолиш ҳақида бош қотирдилар, илмий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилдилар.

Немис мутахассисларининг фикрича, обидани тўлиқ қайта тиклаб бўлмайди, шунинг учун уни “реставрация” эмас, балки “консервация” қилиш зарур, яъни уни ҳозирги ҳолича сақлаб қолиб, ортиқ нураши ва бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш мумкин, холос. Мен бундай фикрга қўшила олмайман. Ишратхонадек такрорланмас гўзал обидани келажак учун ҳозиргидек аянчли кўринишда сақлаш мутлақо мумкин эмас. Самарқандлик таъмирчи усталар аҳволи Ишратхонадан ҳам беш-баттар ёмон бўлган обидаларга жон киритгаларига ҳаммамиз гувоҳ бўлганмиз.

Самарқандда XVII асрда қурилган меъморий ёдгорлик – Нодир Девонбеги мадрасасини эслайлик. У бир вақтлар вайрона ҳолга тушиб қолганда самарқандлик таниқли уста, таъмирчи меъмор Абдуғаффор Ҳаққулов уни аслидек қилиб қайта тиклаш ва таъмирлашни ўз бўйнига олиб, ташаббус билан чиққан эди. Ўшанда вилоят раҳбарлари устанинг ташаббусини маъқуллаб, мадрасанинг таъмирлаш лойиҳасига буюртма берганди. Лойиҳа Тошкентдаги “Ўзтаъмиршунослик” институти томонидан бажарилган эди. Уста меъмор А. Ҳаққулов лойиҳачи меъморлар билан маслаҳатлашиб лойиҳага қатор ўзгартиришлар киритган. Унинг барча эътирозлари қабул қилиниб лойиҳа қайта ишланган. Мана шундай ижодий ҳамжиҳатлик натижасида уста меъмор ўз шогирдлари билан Нодир Девонбеги мадрасасини тўлиқ қайта тиклаб, аслидай кўринишда таъмирлашга муваффақ бўлган.

Бугунги кунда обидани кўришга келганлар унинг бир вақтлар хароба ахволда бўлганлигига сира ҳам ишонишмайди. Уста А. Ҳаққулов ўшанда Ишратхона ёдгорлигини ҳам тўлиқ таъмирлаш ташаббуси билан чиққан эди. Бироқ, ўша пайтлар Ишратхонани қайта тиклаш ва таъмирлаш учун етарлича моддий имконият бўлмади. Бунинг устига бевақт ўлим таниқли устани орамиздан олиб кетди. Бугунги кунда устанинг шогирди ва ўғли, тажрибали таъмирчи меъмор Абдуқаххор Ҳаққулов ўз отасининг орзусини амалга ошириш ниятида.

Мен шахримизда Ўзбекистон қаҳрамони, таниқли таъмирчи уста Мирумар Асадов ва унинг шогирдлари ҳамда Абдуқаххор Ҳаққуловдек қўли гул усталар бор экан Ишратхонани сақлаб қолиш учун тегишли маблағ топилса, унинг қайта тикланиб тўлиқ таъмирланиш имкониятига ишонаман. Чунки Ишратхонанинг ҳозирги аҳоли Нодир Девонбеги мадрасасининг аввалги вайрона ҳолатидан анча яхши. Бунинг устига Самарқандда ўз касб кори билан таъмирчи меъмор сифатида тан олинган мутахассислар тажрибаси етарлича.

Тўғри, Ишратхона бу Нодир Девонбеги мадрасаси дегани эмас. У вақт жиҳатидан ҳам мадрасадан анча аввал қурилган. Бундан ташқари, Ишратхона ўзининг қурилмавий, меъморий-режавий, функциявий, бадий – тектоник ечимлари ва нақшу-нигорлари билан ҳам анча мураккаб обида. Масалан, унинг “миёнсарой”ини, яъни ўрталик асосий залининг устини ёпишда Мовароуннаҳрда Амир Темур ва темурийлар даври меъморчилигига хос ўта гўзал ғиштор қурилма-“линг зарба” қўлланилган. Бу конструкция тарҳи квадрат миёнсаройларнинг устини ёпиш учун махсус ўйлаб топилган равоқ тизими, яъни хона деворларининг устидан бошлаб бир-бири билан баландликда кесиштириб ишланадиган тўртта равоқ қурилмадир. Ишратхонанинг 1903 йилдаги ер силкинишидан қулаб тушган ички ва ташқи гумбазларини кўтариб турувчи баланд гардиш (устивон) ана шу тўрт тоқ устига моҳирлик билан ўрнатилган. Бундай конструкция Ишратхонадан ташқари Шаҳрисабздаги Шимсуддин Кулол мақбараси, Туркистондаги

Аҳмад Яссавий комплекси, Самарқанддаги Оқсарой обидаларида ҳам қўлланилган.

Мен ана шундай мураккаб қурилма ва гумбазни тўғридан-тўғри бино устида эмас, балки аввал ерда, унинг ҳақиқий ўлчамида, яъни 1:1 масштабда қуриб қуришни, қутилган натижага эришилгач эса, уни обидада қайта такрорий қуришни таклиф қиламан. Шундай қилинганда бир йўла иккита натижага эришиш мумкин. Биринчиси ер сатҳида ҳақиқий ўлчамларда қурилган “линга зарба” қурилмасига кўрғазмали қурол тарзида эга бўлиш, иккинчиси унинг қайтарилгани, яъни обида томи устига қурилган ҳақиқий вариантдир. Бу иш обиданинг қайта тикланиш жараёнига қизиқувчи сайёҳлар учун ҳам қизиқарли бўлади деб ўйлайман.

Бизгача Ишратхонанинг 1872, 1903 ва 1908 йилларда туширилган фотосуратлари етиб келган. 1872 йилги фотода ёдгорликнинг иккинчи қават хоналари, гумбази ва уни кўтариб турган баланд устивон тўлалигича кўрсатилган. Бироқ, 1903 йилги зилзиладан сўнг туширилган фотоларда гумбаз ва устивон ҳамда иккинчи қаватнинг катта қисми қулаб тушганлигини кўрамиз. Ишратхона гумбази гардишининг баландлиги Ўрта Осиёдаги гумбаз ости қурилмалари ичида энг улкани ҳисобланган. Ҳозирги кунда обиданинг иккинчи қавати ҳам мавжуд эмас. Юқорига чиқадиган зиналардан қолдиқлар қолган холос.

1958 йилда нашр этилган “Мовзолей Ишратхона” номли китобда обиданинг Г.А.Пугаченкова ва М.Е.Массонлар томонидан ишлаб чиқилган график реконструкцияси ва унга тегишли қатор чизмалар кўрсатилган. Тарх ва қирқимлари, деталлари, нақшу-нигорларининг рангли расмлари, жами бўлиб 20 та оқ-қора ва рангли чизмалар берилган. Обидани таъмирлашда улардан унумли фойдаланиш фойдадан ҳоли эмасдир.

Энди “Ишратхона” мақбара эмас, балки “Боғи Дилкушонинг буюк кўшки” эканлиги исботланган экан, шу муносабат билан обида атрофидаги мавжуд ҳудудни кенгайтириб, у ерда Темур даври ва обидага хос “Чорбоғ” бунёд этишни ҳам таклиф қиламан. Ишратхона обидаси ва Темур даври боғ-

саройларига мос тартибдаги чорбоғнинг лойиҳасини яратиш ва уни куриш ишларига СамДАҚИ, СамКХИ ва СамДУ мутахассисларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу йўл билан Темур даври боғ-саройларидан локал биттасини, бахтимизга бизгача сақланиб келган Боғи Дилкушо кўшки ва боғини қисман қайта тиклаш имконияти яратилади деб ўйлайман. Бу эса Самарқанд шаҳрининг туристик имкониятларини ва сифатини янада оширишга яқиндан ёрдам беради.

Самарқанд Республикамизнинг бошқа тарихий шаҳарларидан, жумладан Бухоро ва Хивадан меъморий ёдгорликларининг шаҳар структурасида анча тарқоқ ҳолда жойлашганлиги билан кескин фарқ қилади. Самарқандда бир ёдгорлик томоша қилинган бошқасига ўтгунча анча йўл юриш, йўл- йўлакай эса шаҳарнинг эски тарихий муҳитига мос келмайдиган янги замон биноларини ҳам учратиш, ҳуллас аввал томоша қилинган меъморий обидадан олинган яхши таасуротнинг ижобий таъсирини анча сусайиш ҳолатини кузатиш мумкин.

Хўш, бундай ҳолатга барҳам бериш учун нима қилиш керак? Фикримча меъморий обидалар атрофидаги мавжуд бўш очик муҳитни тўлдириш чораларини кўриш керак. Энди уларни нима билан тўлдириш мумкин, деган савол туғилади. Биринчи навбатда ўша тарихий обидалар жойлашган эски шаҳар меъморий муҳитига мос келадиган ижтимоий иморатларни куриш мақсадга мувофиқдир. Иккинчи таклиф, бу ўша меъморий муҳитга ўтмишда мавжуд бўлиб, ҳозирда бузилиб кетган ёки бузиб юборилган, бироқ, пойдеворлари, қолдиқлари ер остига қолиб кетган меъморий обидаларни очиш, очилган қисмларни консервация қилиш ёки иложи бўлса уларни қайта тиклаш чораларини кўриш зарур.

Маълумки, ҳазрат Темурнинг Самарқанддаги арк-қалъаси харобаларининг ўрни ҳозиргача сақланиб келмоқда. Археологларимиз ушбу жойдан аркни Регистон майдони билан боғловчи бош дарвозаси ва унга туташ ташқи муҳофаа деворларининг қадимги пойдеворлари ва қолдиқларини топганлар. Бу жойларда ҳозиргача янги иморатлар

қурилмаган. Шундай экан, ўша тарихий дарвозани ва унга туташ деворларнинг бир қисмини аввалгидек қайта тиклаб, уларни замонавий туризм эҳтиёжларига мослаштириш ва шу йўл билан ўша очиқ қолган эсчки шаҳар муҳитини асл тарихий обидалар билан қайта тўлдириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Ана шундай лойиҳаларни яратиш устида СамДАҚИ олимлари билан вилоят маданий ва меъморий ёдгорликларини сақлаш давлат назорати ходимлари ҳамкорликда шуғулланиб келмоқда.



1-расм. Ишратхона ёдгорлигининг ҳозирги кўринишидан лавҳа

Кейинги йилларда Самарқандда тарихий шаҳар муҳитини унга хос бўлмаган “янги” қурилган иморатлардан холос этиш ва уларнинг ўрнини меъморий уйғун иморатлар ва майдонлар билан тўлдириш тажрибалари самарали амалга оширилмоқда. Ҳозирги Мустақиллик (аввалги Ленин) ва Тошкент кўчаларида бажарилган, Регистон, Бибихоним, Шохи Зинда мажмуалари атрофида амалга оширилган шаҳарсозлик ва меъморий муҳитни қайта тиклаш ишлари бунга жонли мисолдир. Шундай экан мазкур мақолада

юқорида баён қилинган фикрларни амалга ошириш Самарқанд шаҳри келажаги учун, унинг архитектураси ва шаҳарсозлиги, туризми ҳамда таъмирлаш ишларининг ривожини учун амалий таклифлар тарзида қабул қилинади, деган умиддаман. Бироқ, биринчи навбатда Ишратхонадек ноёб обидани ёхуд Темур курган Дилкушо боғининг буюк кўшкенини сақлаб қолиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Акс ҳолда шундайин ҳам хароба ҳолига келиб қолган бу машҳур обидани қўлдан буткул бой бериб қўйишимиз мумкин.

1.2. Ишратхона – Дилкушо боғининг кўшкени

Ишратхона – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Амир Темур даврида қурилган (1397-98) боғи Дилкушо ўртасидаги кўшк биноси. Ишратхонанинг меъморий шакллари, нафис безаклари ҳашаматли.

Баланд девор билан ўраб олинган боғ ўртасидаги кўркам иморат – кўшкени Дилкушо (тарҳи 30x22,4 м) пештоқининг икки қанотига икки ошёнли хоналар ёндашган. Изораси тошдан, безаклари силлиқ ғиштдан, чоклари феруза ва ложувард ранг кошени билан қопланган. Пештоқ равоғи ичида яна бир кичик равоқ бўлиб, унинг ички деворига изора ишланган. Икки ёнидаги кичик эшикчалар ва дарвоза орқали ичкарига қирилган. Икки ошён баландлигидаги катта хонақоҳ – миёнсарой (тарҳи 8x8 м) тўридаги эшик орқали ташқарига чиқилган. Жанубдан 3 хонали саройга ўтилади. Шимолдан эса меҳробли, узунчоқ хонаи хос (тахминларга кўра, кўшк масжиди)га ўтилган. Миёнсаройнинг ташқи бурчакларида 4 айлана зина бўлиб, улар орқали юқоридаги ошён хона (хужра)ларга ва гумбаз томга чиқилган. Миёнсарой оситидаги 8 қиррали ер ости “сардоба”-тағхонасида сарой мулки ва озиқовқат маҳсулотлари сақланган. Тархона изораси кошени ва тошдан ишланган.



2-расм.Ишратхона ички кўринишининг муҳандиона таъмири

Миёнсарой шипи жуда мураккаб ўзаро кесишувчи равоқлар ва бурчаклардаги қалқонсимон бағаллардан ташкил топган. Изораси кошинкори нақш, унинг тепаси оппоқ ганч устига ишланган ранг-баранг нақшинкор гуллар чаманзорига айланган. Улар орасида бир оз бўртиб турган кундал гуллари хонани янада жилвадор этган. Миёнсарой усти ташқи томондан иккинчи гумбаз билан қопланган. Бу гумбаз баланд давра чамбаракка ўрнатилгани учун ҳам қадди расо ва маҳобатли. Чамбарак юзаси гирихли кошинкор нақшлар билан безатилган. Гумбаз бутунлай феруза ғиштлар

билан қопланган. Шунинг учун ҳам кўшк кейинроқ “кўк гумбаз” номи билан аталган. Ишратхонадаги ислимий ва гириҳ нақшлар, зарҳал кундал безаклар миллий меъморлик хазинасидаги ноёб дурдоналардан ҳисобланади.

Ҳозир ҳам Ишратхонанинг қолдиқлари гарчи анча қисмини йўқотган бўлса-да, кўркам ва жозибали кўринади. Унинг баланд гумбази 1903 йилдаги кучли zilзила вақтида кулаб тушган. Лекин гумбаз тузилишини 1872 йилда олинган суратдани аниқлаш мумкин. Ишратхона биноси Амир Темур Самарқанд атрофида алоҳида ихлос билан, шахсан ўзи назоратида қурилган блғ кўшклари ичида энг машҳури ва энг мухташами сифатида, айниқса сақланиб қолган ягона намуна сифатида Ўзбекистон меъморлиги тарихида алоҳида ўрин тутди.

1.3. Ишратхона ёдгорлигининг архитектураси

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан сўнг мамлакат кўрки бўлмиш, бир неча асрларга тенг бўлган тарихий обидаларимизга давлат томонидан катта аҳамият берилиб келмоқда. Шу боис уларни таъмирлаш, асл ҳолга келтириш ва келажак авлодларга етказиш борасида қизғин иш бошлаб юборилган. Бундай ишларни бажаришда нафақат иншоот устки қурилмалари, балки уларни деформацияланишга олиб келувчи улар заминидаги грунтларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур ҳудудларимизда жойлашган, кўҳна Мовароуннахрнинг бутун дунёга донғи кетган машҳур тарихий шаҳарлари: Самарқанд, Бухуро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон ва бошқа заминини асосан инсон фаолияти натижасида юзага келган турли туман жинслардан ташкил топган антропоген деб номланувчи тўкма грунтлар ташкил этади.

Айниқса, Самарқанд шаҳрида жойлашган “Ишратхона” тарихий ёдгорлиги заминидаги грунтларнинг физикавий ва механикавий хусусиятларини ўрганадиган бўлсак, меъморчилик обидасининг сақланиши, таъмирланиши ва замин грунтларида рўй бераётган узок вақт давом этувчи

чўкишлар оқибатида ёдгорликнинг турли даражада чўкишларини олдини олиш каби муҳим масала мавзунинг долзарблигини, бу эса илмий тадқиқотларнинг муҳим масалаларини ҳал этилиши билан белгиланади.

Ушбу ёдгорлик ҳозирги вақтда келиб ўта хароба ҳолатга келиб қолган. Шу давргача ёдгорлик пойдеворининг ўрганилмаганлиги, цокол ва иншоот атрофида йўлаклар йўқлиги, деворлар орасидаги боғланишнинг йўқлиги, гумбазларнинг бузилиши, тўшамаларнинг йўқлиги, бино ичидаги бирорта ҳам устуннинг йўқлиги, ҳамда зиналарнинг ҳалокатга учрагани шунингдек, ёдгорлик атрофини талаб даражасида ўзлаштирилмаганлиги илмий изланишларнинг асосини ташкил этади. Бу эса ушбу илмий изланишнинг долзарблигини таъкид этади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида “Ишратхона” ёдгорлиги заминида 2-8,5 м оралиғида грунтнинг намлиги юқори кўрсаткични кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида атмосфера ва суғориш сувларининг иншоот заминига доимо сизиб туришидан далолат беради. Грунтда намликнинг кўтарилиш ҳолатлари мазкур теграда тез-тез юз бериб туради ва грунтнинг ўта намланиш дастлаб 1993 йилнинг баҳорида мутахассислар томонидан кузатилган бўлиб, бу ҳолат 2006 йилнинг кучли ёғингарчиликлари натижасида ҳам юз берганлиги табиий, чунки олиб борилган тадқиқотлар натижасида ёдгорлик замини ҳеч қандай ҳимояланмаган. Антропоген грунтларининг остидаги лёссимон грунтларнинг зичлиги 1,42-1,52 т/м³, намлигиэса, 12-28 % оралиғида ўзгариб, энг юқори намлик “Ишратхона” нинг жанубий шарқий қисмида кузатилди. Грунтлар таркибида органик ва ноорганик чиқиндиларнинг миқдори 30-50 % ни ташкил этади. Бу миқдор грунт қари бўйлаб камайиши кузатилди. Шу боис антропоген қатламлари таркибидаги чиқиндилар бўйлаб турлича миқдорда эканлиги билан ажралиб туради. Уларнинг кескин тарзда ўзгариши антропоген грунтларнинг таркиби ва тузилмаси жиҳатидан сержинсли деб қарашга имкон беради.


Сўнгги 20 йил ичида республикадаги мутахассис олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Самарқанд шаҳридаги

сизот сувларининг умумий кўтарилиш 8 метрга етганлигини кўрсатмоқда. Бундай салбий ҳолатнинг сабабларидан бири бу масканда сув четлатиш хизматини ўтовчи табиий зовурларни (Обимашат, Чашма ва б.) кўмиб юборилганлиги, шаҳарда сув тармоқлари ва чиқинди қувурларни кўплаб ўтказилганлигидир.


“Ишратхона” тарихий ёдгорлиги заминидаги грунтларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу иншоот остида муҳандис-геологик нуқтаи назардан мураккаб ва ноқулай бўлган ҳар хил жинсли турли намлик ва ҳолатдаги грунтлар ётади. Йирик ғовакли бундай грунтларда намликнинг ошиши ҳар доим иншоотнинг қўшимча равишда ёдгорликнинг чўкишига олиб келади. Иншоот замининг узоқ даврлар мобайнида давом этувчи физикавий ва механикавий хусусиятларнинг ўзгариши ёдгорлик ҳудудидаги замин грунтларининг ўта мураккаб муҳандис-геологик ва гидро геологик кўрсаткичлари, шунингдек бино атрофи ва устки қисмини сув таъсиридан ҳимояланмаганлиги натижасидадир.



3-расм. Ишратхонанинг атрофидан кўриниши



4-расм. Иишатхона атроф муҳитининг кўриниши (юқоридаги расм) ва тикланган ички нақшидан фрагмент (пастги расм)



5-расм. Ишратхона ички нақиларининг қайта тикланиши

Пировардда, “Ишратхона” тарихий обидасини таъмирлаш ёки ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш масаласи мазкур ёдгорликнинг физикавий-механикавий хусусиятларини илмий изланиш ва ушбу тадқиқотларнинг

натижалари асосида боғлиқдир. Шунингдек мазкур ёдгорликнинг ҳозирги вақтдаги таъмирланган ва таъмирланмаган қисмларининг ҳолати, улар қурилмаларидан заминга узатиловчи юкларнинг қиматини белгилаш масаласи ҳам кўзда тутилган.

I-боб хулосаси

1. Ишратхона ёдгорлиги устида архитектурашунослик фанида кўпдан берит академик Г.А. Пугаченкова ва профессор П.Ш. Зоҳидовлар орасида давом этиб келаётган илмий баҳс, яъни обидани мақбара деб ҳисоблаш керакми ёки у темурийлар даври боғ кўшкими? Деган муаммога нуқта қўйилди. Ишратхона Темур томонидан қурилган Боғи Дилкушо боғининг боғ-саройи, кўшки эканлиги исботланди;

2. Ишратхона ўзининг меъморий ечими нақшу-нигорлари, хоналари таркиби, уларнинг тарҳда жойлашишибўйича ҳам тўлиқ боғ-саройифункциясига мос келади. Ёдгорликнинг ертўласидан топилган кўп сонли инсон суяклари эса унинг кейинги даврларда ўзга диндаги инсонлар учун мақбара сифатида фойдаланилганлигини билдиради ҳолос;

3. Ишратхона ўзининг нафақат ўзининг нақшу-нигорлари, балки конструктив ечимлари билан ҳам темурийлар даври обидалари ичида энг ноёб бинолардан бири эканлиги билан ажралиб туради. Бино қўшгумбазли бўлиб, унинг устки гумбази баланд гардиш устига ўрнатилган, пастки гумбази эса катта миён-сарой устини ёпиб турувчи “линга-зарба” қурилмаси ёрдамида ҳосил қилинган мураккаб, айти пайтда ўта ноёб ва гўзал ички гумбаз билан безатилган. Афсуски, бу гўзал (ташқиси кошинкорий феруза рангда, ичкиси муқарнаслар тизимидаги нақшлар билан безатилган) гумбазлар вақт ўтиши билан объектив ва субъектив сабабларга кўра қулаб тушган ва ҳозирда сақланмаган;

II-БОБ

ИШРАТХОНА ЁДГОРЛИГИНИНГ МУДОФАА ХУДУДИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

2.1. Ишратхона ёдгорлигининг ҳозирги ҳолати

Самарқанд шаҳри меъморий ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш доирасидаги ишлар кўлами алоҳида эътиборга лойиқдир. Ишларнинг мавқеи, ҳажми, характери ва типологияси Мустақиллик давригача бажарилган ана шундай ишлардан ўнлаб, ҳатто юзлаб маротаба зиёддир. Биргина Шоҳи-Зинда меъморий мажмуасида олиб борилган таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари, собиқ Иттифоқ даврида бу соҳада Самарқандда бажарилган барча ишлар кўламидан анча каттадир. Шунинг билан таъкидлаш зарурки, бу йўналишда амалга оширилган ишлар кўлами ва уларнинг тезкор қилиш суръати шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан боғлиқдир. Айниқса Шоҳи-Зинда силсиласи Президентимиз инояти ва назарига тушган тарихий объектлардан бири бўлди. Бу обида собиқ Иттифоқ даврида ҳам қисман, яъни бўлак-бўлак ҳолда таъмирланиб, айрим ҳолларда эса ҳатто тузатилиб ҳам келинди. Фақат мустақиллик даврига келиб, Шоҳи-Зиндани нафақат таъмирлаш, балки қайта тиклашдек мураккаб махсус ишлар: очиш, тўлдириш, қайта жонлаштириш, асликни тиклаш, ободонлаштириш, тунда ёруғлантириш каби катта комплекс ишлар бажарилди. Натижада Шоҳи-Зинда бугунги кунда буткул қайта жонланди ҳамда унинг меъморий ва “руҳий” муҳити янгитдан тикланди. Ҳар бир қарич ер, нақшу-нигорлар, қурилмалар, йўлакларга алоҳида эътибор берилди. Худди шунингдек, Самарқанддаги Гўри-Амир ансамбли, унинг ёнидаги Оқсарой мақбараси, Регистон майдонидаги меъморий обидалар мажмуаси, Бибихоним ансамблидаги Жоме масжиди ва Бибихоним мақбараси, Ҳазрати Хизр масжиди, Хўжа Дониёр мақбараси,

Хўжа Аҳрори Валий меъморий мажмуаси, Хўжа Берун ва Хўжа Дарун обидалари ҳам таъмирланди.

Бугунги кунда Регистон майдонида олти тилда Марказий Осиё Республикалари орасида ягона бўлган “Самарқанд юраги” номли “Нурли овозли панорама хизмати” мавжуд. Регистон меъморий мажмуаси нафақат дунё саёҳатчилари диққат марказидаги маскан бўлибгина қолмасдан, балки ҳукуматимиз ғамхўрлиги остида Республика ва умумжаҳон “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали ҳамда вилоят миқёсида амалга оширадиган ҳақиқий дўстлик, шодлик ва хуррамликни мадҳ этгувчи марказга айланган.

Самарқанддаги Мавлоно Мотуридий мақбарасининг асл жойи топилди ва ўз ўрнида қайта тикланди. Самарқанднинг эски шаҳар маҳаллаларидаги масжидлар ҳам қисман таъмирдан чиқарилди, улар қошида обод ва шинам меъморий муҳитлар яратилди. Самарқанд шаҳри яқинидаги Имом Ал-Бухорий масжид-мадрасаси комплексининг қайта қурилиши ва тикланишининг ўзи нафақат Самарқандда, балки Республикамизда яратилган улкан бир меъморий асар бўлди. Бир сўз билан айтганда, Самарқанд шаҳридаги мавжуд меъморий ва тарихий обидаларга янги мустақил ҳаёт руҳи бахшида этилди. Уларни бус-бутун келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш имкониятлари яратилди.

2007 йилнинг 3-20-сентябрларида Германия Постдам техника университетининг бир гуруҳ профессор ўқитувчилари ва талабалари Тошкент архитектура –қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтлари раҳбарияти билан тузилган битимга мувофиқ Самарқандда бўлишиб, ТАҚИ ва СамДАҚИ ўқитувчилари ва талабалари иштирокида Ишратхона ёдгорлигида “Ёзги академия” ўтказишди. Ушбу лойиҳанинг ташкилотчиси ва раҳбари доктор Свен Валлаш “ёзги академия” бошлангунга қадар Самарқандда бўлиб, уни ўтказиш учун Самарқанд вилояти тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорат инспекциясининг таклифига биноан Ишратхона ёдгорлигини танлаган.

Немислар ҳомийлигидаги махсус грант ва дастур асосида ўтказилган ушбу “Ёзги академия”нинг асосий мақсади Ишратхона обидасини тадқиқ қилиш ва уни келгуси авлодларга сақлаб қолиш бўйича таклиф ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш эди. Немис олимлари, айти пайтда, ўзбек талабаларига меъморий обидаларни тадқиқ қилишнинг замонавий технологияси ва услубларини ўргатишни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўйдилар. Унда немислар томонидан 8 та профессор-ўқитувчи, 10 та талаба, ТАҚИдан 5 та ўқитувчи ва 20 та талаба, СамаДАҚИдан эса 4 та ўқитувчи ва 20 та талаба, жами 65 киши қатнашди. Улар Ишратхонада 15 кун бўлишиб, уни ҳар томонлама чуқур ўрганди, тадқиқ қилди, обидани келажак авлодлар учун қандай қилиб сақлаб қолиш ҳақида бош қотирдилар, илмий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилдилар.

Немис мутахассисларининг фикрича, обидани тўлиқ қайта тиклаб бўлмайди, шунинг учун уни таъмирлаш –“реставрация” қилиш эмас, балки “консервациялаш” зарур, яъни уни ҳозирги ҳолича сақлаб қолиб, ортиқ нураши ва бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш мумкин ҳолос. Мен бундай фикрга қўшила олмайман. Ишратхонадек такрорланмас гўзал обидани ҳозиргидек аянчли кўринишда сақлаш мутлоқо мумкин эмас. Самарқандлик таъмирчи усталар Ишратхонадан ҳам беш баттар вайрона обидаларга қайтадан жон киритганларига ҳаммамиз гувоҳ бўлганмиз.

Самарқандда XVII асрда қурилган меъморий ёдгорлик-Нодир Девонбеги мадрасасини эслайлик. У бир вақтлар вайрона ҳолга тушиб қолганда Самарқандлик таниқли уста таъмирчи меъмор Абдуғаффор Ҳаққулов уни аслидек қилиб қайта тиклаш ва таъмирлашни ўз бўйнига олиб, ташаббус билан чиққан эди. Ўшанда вилоят раҳбарлари устанинг ушбу ташаббусини маъқуллаб, мадрасанинг таъмирлаш лойиҳасига буюртма берганди. Лойиҳа Тошкентдаги “Ўзтаъмиршунослик”институти томонидан бажарилган эди. Уста меъмор А.Ҳаққулов лойиҳачи меъморлар билан келишган ҳолда лойиҳага қатор ўзгартиришлар киритган. Унинг барча эътирозлари қабул қилиниб лойиҳа қайта ишланган. Мана шундай ижодий

хамжихатлик натижасида уста меъмор ўз шогирдлари билан Нодир Девонбеги мадрасасини тўлиқ қайта тиклаб аслидай кўринишда таъмирлашга мувофиқ бўлган.

Бугунги кунда обидани кўришга келганлар унинг бир вақтлар вайрона аҳволда бўлганлигига сира ҳам ишонишмайди. Уста А.Ҳаққулов Ишратхона ёдгорлигини ҳам тўлиқ таъмирлаш ташаббуси билан чиққан эди. Бироқ ўшанда Ишратхонани қайта тиклаш ва таъмирлаш учун моддий имконият бўлмади. Бунинг устига бевақт ўлим таниқли устани орамиздан олиб кетди. Бугунги кунда устанинг шогирди ва ўғли, тажрибали меъмор Абдуқаххор Ҳаққулов ўз отасининг орзусини амалга ошириш ниятида.

Мен шахримизда Ўзбекистон қаҳрамони, таниқли таъмирчи уста Мирумар Асадов ва унинг шогирдлари ҳамда Абдуқаххор Ҳаққуловдек қўли гул усталар бор экан, Ишратхонани сақлаб қолиш учун тегишли маблағ топилса, унинг қайта тикланиб тўлиқ таъмирланиш имкониятига ишонаман. Чунки Ишратхонанинг ҳозирги аҳволи Нодир Девонбеги мадрасасининг аввалги вайрона ҳолатидан анча яхши. Бунинг устига Самарқандда ўз касб-кори билан таъмирчи меъмор сифатида тан олинган мутахассислар тажрибаси етарлича.

Тўғри, Ишратхона бу Нодир Девонбеги мадрасаси дегани эмас. У анча аввал қурилган. Бундан ташқари, Ишратхона ўзининг қурилмавий, меъморий-режавий, функциявий ва бадий-тектоник ечимлари ва безаклари балан ҳам анча мураккаб обида. Масалан, унинг “миён-сарой”ини, яъни ўрталик залининг устини ёпишда Темурийлар даври меъморчилигига хос ўта ноёб ғишткор қурилма-“линг зарба” қўлланилган. Бу конструкция тарҳи квадрат катта хоналарнинг устини ёпиш учун махсус ўйлаб топилган равоқ тизимида, яъни хона деворларининг устидан бошлаб бир-бири билан баландликда кесиштириб ишланадиган тўртта равоқ қурилмадир. Ишратхонанинг ички гумбази ва ташқи гумбазини кўтариб турган баланд устивон ҳам ана шу тўрт тоқ устига моҳирлик билан ўрнатилган бўлган. афсуски, бу ёпма қурилма ва гумбазлар бизгача сақланмаган.



6-расм. Ишратхонанинг таъмиргача ва таъмирдан сўнги кўриниши

Мен ана шундай мураккаб қурилма ва гумбазни тўғридан-тўғри бино устида эмас, балки аввал ерда, унинг ҳақиқий ўлчамида, яъни 1:1 масштабда

куриб кўришни, кутилган натижага эришилгач эса, уни обидада қайта такрорий куришни таклиф этаман. Шундай қилинганда бир йўла иккита натижага эришиш мумкин. Биринчиси, ер сатҳида ҳақиқий ўлчамларда курилган “лингa зарба” курилмасига кўргазмали курол тарзида эга бўлиш, иккинчиси унинг қайтарилгани, яъни обида томи устига курилган ҳақиқий вариантидир. Бу иш обиданинг қайта тикланиш жараёнига қизиқувчи сайёҳлар учун ҳам қизиқарли бўлади деб ўйлайман.

Самарқанд Республикамизнинг бошқа тарихий шаҳарларидан, жумладан, Бухоро ва Хивадан меъморий ёдгорликларининг шаҳар структурасида анча тарқоқ ҳолда жойлашгани билан кескин фарқ қилади. Самарқандда бир ёдгорлик томоша қилинган бошқасига ўтгунча анча йўл юриш, йўл-йўлакай эски шаҳар тарихий муҳитига мос келмайдиган янги замон биноларини ҳам учратиш, хуллас аввал томоша қилинган меъморий обидадан олинган яхши таассуротнинг ижобий таъсирини анча сусайиш ҳолатини кузатиш мумкин.

Хўш, бундай ҳолатга барҳам бериш учун нима қилиш керак? Фикримча, меъморий обидалар атрофидаги мавжуд бўш очик муҳитни тўлдириш чораларини кўриш керак. Энди уларни нима билан тўлдириш мумкин, деган савол туғилади. Биринчи навбатда ўша тарихий обидалар жойлашган эски шаҳар меъморий муҳитига мос келадиган ижтимоий иморатларни куриш мақсадга мувофиқ. Иккинчи таклиф, бу ўша меъморий муҳитда ўтмишда мавжуд бўлиб, ҳозирда бузилиб кетган ёки бузиб юборилган, бироқ, пойдеворлари ва қолдиқлари ер остига қолиб кетган меъморий обидаларни очиш, очилган қисмларни консервация қилиш ёки иложи бўлса уларни қайта тиклаш чораларини кўриш зарур.

Ҳаммага маълумки, Регистон ансамблидаги Тиллакори масжид-мадрасасининг орқасида, ҳозирда йўқ қилинган “Юбилейный” ресторанини куриш баҳонасида 1968 йилда бузиб юборилган антиқа тарихий ҳаммом биноси бўлган. У “Бозори Садик ҳаммоми” деб аталиб, XVII асрга тегишли бўлган. Ер остидан ушбу ҳаммом қолдиқларини қазиб топиб, қисман ёки

тўлиқ тиклаб уни эски шаҳар муҳитининг энг ноёб функцияси ва халқнинг озодалиқ ва соғлом турмуш маданияти намунаси тарзида сайёҳлар томошасига қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, маълумки, ҳазрат Амир Темурнинг Самарқанддаги арк-қалъаси харобаларининг ўрни ҳозиргача сақланиб келмоқда. Археологларимиз ушбу жойдан аркни Регистон майдони билан боғловчи бош дарвозаси ва унга туташ ташқи муҳофаа деворларининг қадимий пойдеворлари ва қолдиқларини топганлар. Бу жойларда ҳозиргача янги иморатлар деярли қурилмаган. Шундай экан, ўша тарихий дарвозани ва унга туташ деворларнинг бир қисмини аввалгидек қайта тиклаб, уларни замонавий туризм эҳтиёжларига мослаштириш ва шу йўл билан ўша очиқ қолган эски шаҳар муҳитини асл тарихий обидалар билан қайта тўлдириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Ана шундай лойиҳаларни яратиш устида СамДАҚИ олимлари билан вилоят маданий ва меъморий ёдгорликларини сақлаш давлат назорати ходимлари ҳамкорликда шуғулланиб келмоқда.

Меъморий ёдгорликни таъмирлашда энг аввало уни сақлаб қолиш ва фойдаланиш учун ёдгорликни таъмирлаш усули тўғри ва аниқ танланмоғи керак. У консервация қилинадими, қисман консервация ва қисман реставрация қилинадими ёки тўлиқ таъмирланадими, агар ёдгорлик тўлиқ таъмирланса ундан қандай фойдаланилади ва у қандай мақсадларда мослаштирилади ёки объект музейлаштириладими? Бу саволлар аниқ ечилиши шарт. Шундан кейингина амалий ишга, яъни таъмирлаш лойиҳасини бажаришга киришилади.

Таъмирлаш лойиҳаси кабинетда эмас, балки объект билан узвий алоқада, натурал аниқликларда бажарилиши керак. Бу ишдаги энг биринчи тамойил-бу лойиҳани бажаришда таъмирлаш материаллари ва ашёларини тўғри танлаш ҳамда, энг асосийси, лойиҳада таъмирланаётган ёдгорликнинг аслигига, яъни тарихийлигига эришишдир.



7-расм. Ишратхона пештоқининг кўриниши

Лойиҳа тайёр бўлгач уни амалга оширишда, яъни ёдгорликни таъмирлашда ҳар қандай шароитда ҳам таъмир суръати ва унинг муддатини тўғри режалаштириш, таъмир ишларида ҳеч қандай шошма-шошарликка, хаспўштликка йўл қўймаслик, энг асосийси, ишни сифатли ва ўта масъулият билан бажармоқ лозим. Бунинг учун эса қўлланаётган материалларнинг сифатига, уларни тайёрлаш савияси, технологиясига катта эътибор берилиши керак. Таъмирчи уста ишни қанчалик тўғри ва сифатли бажармасин, агар у фойдаланётган таъмир материалларининг тайёрланиш сифати паст бўлса, усталарнинг ҳаракатлари зоя кетиши мумкин.


Меъморий ёдгорликни таъмирлашни лойиҳалаш ва уни амалга оширишда бино тоmidан ички қурилмалар ва деворларга намликнинг ўтиб кетмаслик чораларини, ер ости сизот ва шўр сувларнинг эса пойдевордан юқориги қисмларга ўтишига йўл қўймаслик ҳамда зилзилабардошлик чораларини кўрмоқ керак.



8-расм. Ииратхона атрофидаги чиқиндилар ва том билан ётилиши



9-Ишратхона ҳудуддаги қўкаламзорларнинг ҳозирги ҳолати



10-Ишратхона томининг ёпилиши

Бунда энг синалган анъанавий тарихий услуб-“хатаба” усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу услуб орқали меъморий ёдгорликни чидамлилиги, мустаҳкамлигига эришиш, пардоз ишларида эса тежамкорликка эришиш мумкин.

Маълумки, меъморий ёдгорликнинг таъмир лойиҳаларини тайёрлаш жараёни ўта мураккаб, масъулиятли ва кўп вақт олувчи жараёндир. Бу ишни анъанавий лойиҳа тахтаси ва чизма қоғозда бажариш тобора эскирган услубга айланиб бормокда. Ушбу жараёни осонлаштириш мақсадида лойиҳачи меъморлар ва таъмирчи архитекторларга машина графикасининг

автоматлаштирилган техник воситалари, электрон компьютер техникаси ёрдамга келмоқда. Чет эл лойиҳаси амалиётида бундай электрон тузилмалар аллақачон муваффақиятли қўлланилмоқда. Бизда, Ўзбекистонда ҳам меъморий ёдгорликларни таъмирлаш лойиҳаларини бажаришда ана шундай компьютерлаштирилган график тизим ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва қўллаш мақсадга мувофиқ ва давр талабидир.

Кейинги йилларда Самарқандда тарихий шаҳар муҳитини унга мос ва хос меъморий уйғун иморатлар билан тўлдириш тажрибалари самарали амалга оширилмоқда. Самарқанддаги ва Тошкент ва ҳозирги Мустақиллик (аввалги Ленин) кўчаларида бажарилган шаҳарсозлик ва тарихий меъморий муҳитни қайта тиклаш ишлари бунга жонли мисолдир. Бажарилган бу ишларни фақат ижобий баҳолаш мумкин. Бунга ҳеч ким эътироз билдирмаса керак деб ўйлайман. Шундай экан, мен юқорида баён қилган таклифларни амалга ошириш Самарқанд шаҳри келажаги, унинг архитектураси ва шаҳарсозлиги ҳамда таъмирлаш ишларининг ривожини учун амалий таклифлар тарзида қабул қилинади, деган умиддаман.

2.2. Ишратхона – Дилкушо кўшкнинг муҳофаа ҳудудини ташкил қилиш

Ўзбекистоннинг буюк ўтмишини ўзида акс эттириб келаётган маданий ва бадиий меросни нафақат сақлаб қолиш, балки замонавий муҳитга тегишли равишда уйғунлаштириб билиш керак. Тарихий ёдгорликларнинг умумий ҳажми бугунги кунда шаҳар структурасида камайиб кетаяпти. Замонавий катта масштабдаги қурилиш объектларини тарихий, паст қаватли структура билан композицион уйғунлаштириш масаласи бугунги кунда ҳали ҳам ечилмаган масала бўлиб қолаяпти.

2004 - йилда тасдиқланган шаҳар ҳудудини лойиҳалаш меъёрий ҳужжатларда маданий ёдгорликларни меъморий лойиҳалаш тадбирлари шаҳарнинг бош режасини лойиҳалашда алоҳида қисмини

ташкил этиши керак ва тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш инспекцияси билан тасдиқланган бўлиши кераклиги тасдиқлаб ўтилган. Ёдгорлик атрофида ҳимоя ҳудуди ёки қурилишларни назорат қилиш ҳудудини ташкиллаштириш керак.

Ҳимоя ҳудудини ташкиллаштиришнинг асосий бош мезони тарихий шаҳарларнинг ўзига хос меъморий жиҳатларини, тарихий структурани сақлаб қолиш ва замонавий қурилишларни тарихий, шаклланиб бўлган шаҳар ҳудуди билан композицион мувозанатга келтиришдан иборат. Меъморий ёдгорликни сақлаб қолиш ва замонавий шаҳар ансамбли билан лойиҳавий композицион муносабатларини уйғунлаштириш учун ҳар бир меъморий ёдгорлик хусусий ёндашувни талаб қилади. Бу борада кўриб чиқиладиган асосий масалалар: қайта




11-расм. Ишратхона кўшкисининг ҳозирги кўриниши

таъмир (реконструкция), реставрация, консервация (ёдгорликни ўз ҳолида сақлаб қолиш), ҳудудни ободонлаштириш ва сайёҳлар маршрутига киритиш. Бу масалалар ҳар бир тарихий ёдгорлик учун долзарб муаммолар бўлиб, меъмордан чуқур изланишлар ва мукамал лойиҳаларни талаб қилади.


Тарихий ёдгорликни сақлаб қолишда унга этарли шарт шароит яратиш учун ҳимоя ҳудуди, ёдгорлик атрофида қурилишни назорат қилиш ҳудудини, ёдгорликни ҳимояланган ҳудуди ва, ниҳоят, зарур бўлса ёдгорлик атрофидаги ландшафтни ҳимоялаш ҳудудларини ташкиллаштириш керак.

Ҳимоя ҳудуди авваламбор тарихий объект ва уни ўраб турган муҳит билан лойиҳавий композицион муносабатни мустаҳкамловчи алоқа вазифасини ўтайди. Ҳимоя ҳудуди меъморий объектни меъморий бадиий хусусиятларини тўла очиб берадиган ҳудудни ва объектдан замонавий мақсадларда ишлатиш учун етарли бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Ёдгорлик атрофида қурилишни назорат қилиш деганда ёдгорликнинг атрофидаги тарихий муҳитни сақлаб турувчи ҳудуд назарда тутилади. Бунда асосий эътибор тарихий объектни визуал йўқолиб қолишига йўл қўймасликка қаратилган. Ёдгорлик атрофидаги ландшафт эса қўрилаётган меъморий ёдгорликни тарихий муҳити ва унинг функциясини (масалан: Ишратхона кўши 1-расм) йўқотмаслик учун ташкиллаштирилиши лозим.

Шу асосда эътиборингизни Ишратхона кўшига қаратмоқчимиз. Бу ноёб архитектура ёдгорлиги бугунги кунда жуда хароб ҳолга келган. Унинг атрофида ҳимоя ҳудуди ташкиллаштирилган (2-расм) бўлса ҳам ёдгорликнинг ўзи кундан кунга нураб, чўкиб бораяпти. Бу тарихий объектга нисбатан юқорида санаб ўтилган чора тадбирлар амалга оширилмаса, биз буюк темурийлар даврида қурилган бу нодир объектни йўқотиб қўямиз. Ёдгорлик қайта таъмирланиб, замонавий мақсадларда ишлатилса, уни умрини яна кўп йилларга узайтирган бўлардик.



12 - расм. Иширатхона кўйи ҳудудининг бугунги ҳолати.



13- расм. Кўриш ва қурилишни мувофиқлаштириш зоналарини аниқлаш схемаси.

Ёдгорликни муҳофаза қилиш зонаси қатъий тартибга эга. У ёдгорлик худудини (ёдгорликнинг тарихий, маъмурий, табиий ва бошқа чегараларидаги майдони) кўп ҳолларда эса атроф худуд майдонларини ўз ичига олади. Ёдгорликнинг муҳофаза зонаси унинг физик сақланишини таъминлаш, тарихий атроф муҳит хусусияти ва томоша қилиш шароитларини таъминлаш мақсадида ўрнатилади шундай қилиб, бир томондан ёдгорликни зарарли физик таъсирлардан ҳимоялаш, бошқа томондан эса унинг атроф шаҳар муҳити билан композициявий ва визуал боғланишларни кучайтиришга ердан беришга қаратилган.

Муҳофаза зонасида қуйидаги чоралар амалга оширилади:

а) тарихий режа эҳтиёт қилинади, тарихий муҳит ва ландшафт, йўқолган элементлар ва параметрларни тиклаш имконияти сақланади;

б) қулай гидрогеологик шароит, ҳаво бассейнининг тозалиги, динамик таъсирлардан ҳимоя ва ёнғин хавфсизлиги таъминланади;

в) ёдгорликка физик ва эстетик зарар келтирадиган, катта юklar оқимларини олиб келувчи, тупроқ атмосфера ва сув ҳавзаларини ифлослантирувчи саноат корхоналари, устахона ва омборлар олиб чиқиб кетилади;

г) электр токини узатиш тизимларининг ўрнатилишига, трансформатор станцияларининг жойлаштирилишига, шунингдек ёдгорликка тегишли бўлмаган реклама тахтачаларининг ўрнатилишига ва ёдгорлик кўринишини бузувчи ва унинг ҳар томондан кўринишини қийинлаштирувчи бошқа иншоотларнинг жойлаштирилишига йул қўйилмайди;

д) ёдгорлик муҳофазаси билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шунингдек қишлоқ хўжалик ишларига рухсат этилмайди;

е) муҳофаза зонасида тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бошқаруви билан келишилган ҳолда қуйидаги ишлар бажарилиши мумкин:

-тиклаш, таъмирлаш, консервация ва меъморий ёдгорликдан фойдаланиш бўйича ишлар;

-худудни ободонлаштириш ва ташқи ёритиш, бевосита ёдгорликка тегишли стенд ва пештахталарни ўрнатиш;

-баъзи биноларни тарихий муҳит хусусиятини тикловчи бинолар билан алмаштириш.

Қурилишларни тартибга солиш зоналари – бу, муҳофаза зонасига туташ худудлар бўлиб, гулар маданият ёдгорликлари учун муҳитни ташкил қилади, ёдгорликнинг шаҳар меъморий-фазовий тузилишидаги аҳамиятини сақлашга ёрдам беради ва ёдгорликни кўриб идрок қилишнинг қулай шароитларини таъминлайди.

Қурилишларни тартибга солиш зоналари уларнинг шаҳарсозлик тизимидаги ҳолати ва бундан келиб чиқувчи вазифаларга боғлиқ ҳолдаги турли қурилиш тартибига эга. Уларда қурилишнинг қуйидаги қонунлари ўрнатилиши мумкин:

-қадимги режавий ечим ёки унинг бўлаклари, ландшафтнинг қимматли элементлари сақланади, ёдгорликларнинг шаҳарсозлик аҳамияти тикланади, уларни визуал идрок қилиш шароитлари таъминланади, тарихий муҳит билан мувофиқ келмайдиган ва ёдгорлик аҳамиятини туширадиган иншоотлар йўқ қилинади;

- ҳаво ва сув бассейнларини ифлослантирувчи, ёнғин жиҳатидан хавфли саноат корхоналари ва бошқа қурилмаларнинг жойлаштирилиши таъқиқланади;

-муҳандислик ва транспорт иншоотларининг қурилишига айрим ҳолатлардагина ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш идоралари тасдиқлаган лойиҳалар буйича қурилишига рухсат этилади, фақат шаҳар тарихий қисми билан уйғунликдаги техник усул ва конструкцияларга рухсат этилади;

- янги қурилишлар, қурилишларни тартибга солиш зонасида функционал вазифаси, биноларнинг баландлиги ва узунлиги, композициявий усуллари, тектоника, материал, ранги ва услубий хусусиятлари,

ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш хусусияти ва бошқа жоиз кўрсаткичлар бўйича бўйсундирилиши мумкин.

Унча катта бўлмаган чекланишлар зоналарда, бевосита ёдгорликлар ва янги биноларга фақат миқдорий эмас, балки сифат хусусиятидаги маълум талаблар қуйиладиган тарихий муҳит майдонлари билан алоқада бўлган зоналарда киритилади.

Кичикроқ талаблар ёдгорликларни визуал идрок қилинишини таъминлайдиган майдонлар ёки вертикал етакчи бинолар учун фон шаклланган ҳудудлар ҳисобланган зоналарда қуйилади. Бу зоналарда фақат янги қурилишларнинг маълум горизонти таъминланади, у ёдгорликларнинг анъанавий нуқта ва йўналишлардан кўринишини, идрок қилиш учун қулай фонни сақлаш имконини беради.

Муҳофаза зоналари чегаралари ёдгорликнинг физик сақланишини, ёдгорликнинг тарихий атроф муҳити ва кўриб идрок қилинишининг сақланишини таъминлаш учун ўрнатилади. Ёдгорликларнинг турли-туманлигида, уларнинг тузилиш хусусиятлари ва шаҳарсозлик аҳамиятида муҳофаза зоналари чегараларини ўрнатишнинг ягона андазаси бўлиши мумкин эмас. Ҳамма ҳолларда вазият хусусиятларини инобатга олиш ва қулай ечимни қабул қилиш зарур. математик усуллар, булар: маълум доираларда ёки етакчи бинолардан бир неча баландлиги ўлчамида зоналарнинг ўрнатилиши, аллақачонлар фан ва амалда инкор қилинган. ёдгорлик зонасида вазиятни ҳар томонлама баҳолашда график материаллар билан бирга хона шароитида ўрганиш қийин бўлган хусусиятларни аниқлаш имконини берувчи майдон билан натурада танишиш зарур.

Кўп ҳолларда муҳофаза зонаси чегаралари ёдгорликнинг ўз ҳудуди билан устма-уст тушиши мумкин (масалан, ёдгорлик-мажмуа, турар жой кварталимаҳаллалар, маъмурий бинолар комплекси). Ёдгорликнинг яхши сифатларини аниқлаш учун бундай зона етарли бўлмаса, қўшни иншоотлар билан етарли ораликни таъминлаш, ёдгорликни очиқ намоён қилиш мақсадида уни ривожланиш зарурати юзага келади. Бу ҳамма ҳолларда шуни

ёдда тутиш керакки, муҳофаза зонаси ёдгорликни очик намоён қилишнинг ягона воситаси эмас ва уни қурилишларни тартибга солиш зоналари билан тўлдириш мумкин. Шунинг учун муҳофаза зонаси чегаралари минимал зарур даражада ўрнатилади.

Етакчи бино муҳофаза зоналари одатда тарихан юзага келган атроф худуд чегараларида зонанинг асосий кўриш йўналишларига қараб ўрнатилади. Масалан, майдон мажмуасида жойлашган етакчи бино учун майдон ва бевосита муҳит ҳисобланган, уни ўраб турган қурилишлар худуди, шунингдек етакчи бино кўринадиган кўчаларнинг бирор қисми муҳофаза зонаси бўлиши мумкин.

Қурилишларни тартибга солиш зоналари чегаралари ва тартибларини ўрнатиш бирмунча мураккаброқ. Умумий ёндошув шундайлигича қолади вазиятни ҳар томонлама ўрганиш, қурилиш майдонининг шаҳар умумий тизимидаги ўрни ва роли унга етакчилик қилувчи иншоотларнинг тўлиқ намоён бўлиш шароитига, визуал боғланишларнинг сақланганлигига таъсирини ўрганиш. Илгариги тадқиқотлар ва таҳлиллар натижалари жалб қилинади. Кўринишнинг фаол таъсир этиш зоналари (кўриниш “коридорлари”), шаҳар марказий композициявий ўзагининг визуал чегаралари барчаси, бу худудларнинг турли тартибдаги қурилишларини тартибга солиш зоналарини ташкил этиш асосига қўйилиши мумкин. Аниқланган қулай қуриш нуқталари, майдончалар ва йўналишлар, қийматга эга анъанавий панорамалар ва кўринишларни сақлаш мақсадида қаватлилиқни чеклаш зоналарини аниқлаш учун асосий жиҳат бўлиши керак.

Махсус адабиётда қурилишни тартибга солиш зоналари чегараларини аниқ белгилаш учун баъзи математик ва график усуллар тарғиб қилинади. Бу усулларни шаҳар тузилиши таҳлили асосида ишлаб чиқилган у ёки бу ечимларни қўшимча текшириш сифатида тавсия қилиш мумкин.

Таклиф этилаётган усулнинг тарихий шаҳар бутун худудини ишлаб чиқиш учун мақбуллиги даргумон, чунки у горизонтнинг шаҳар

қурилишлари билан механик текисланишини келтириб чиқаради. Бунинг устига чизмаларнинг майда масштаблари тахминий натижаларга олиб келади. Аммо алоҳида, асосий қуриш йуналишларини текшириш мақсадида гипсометрик қирқимларнинг бажарилиши тўлиқ мақбул иш. Айтиб ўтилган тартиб зоналари қаторида тарихий шаҳарда ландшафтни муҳофаза қилиш ва тартибга солиш зоналари ва қимматли археологик қатлам зоналари ўрнатилиши мумкин.

II-боб хулосаси

1. Ишратхона ёдгорлиги устида архитектурашунослик фанида кўпдан берит академик Г.А. Пугаченкова ва профессор П.Ш. Зоҳидовлар орасида давом этиб келаётган илмий баҳс, яъни обидани мақбара деб ҳисоблаш керакми ёки у темурийлар даври боғ кўшкими? Деган муаммога нуқта қўйилди. Ишратхона Темур томонидан қурилган Боғи Дилкушо боғининг боғ-саройи, кўшки эканлиги исботланди;

2. Ишратхона ўзининг меъморий ечими нақшу-нигорлари, хоналари таркиби, уларнинг тарҳда жойлашишибўйича ҳам тўлиқ боғ-саройифункциясига мос келади. Ёдгорликнинг ертўласидан топилган кўп сонли инсон суяклари эса унинг кейинги даврларда ўзга диндаги инсонлар учун мақбара сифатида фойдаланилганлигини билдиради холос;

3. Ишратхона ўзининг нафақат ўзининг нақшу-нигорлари, балки конструктив ечимлари билан ҳам темурийлар даври обидалари ичида энг ноёб бинолардан бири эканлиги билан ажралиб туради. Бино қўшгумбазли бўлиб, унинг устки гумбази баланд гардиш устига ўрнатилган, пастки гумбази эса катта миён-сарой устини ёпиб турувчи “линга-зарба” қурилмаси ёрдамида ҳосил қилинган мураккаб, айти пайтда ўта ноёб ва гўзал ички гумбаз билан безатилган. Афсуски, бу гўзал (ташқиси кошинкорий феруза рангда, ичкиси муқарнаслар тизимидаги нақшлар билан безатилган) гумбазлар вақт ўтиши билан объектив ва субъектив сабабларга кўра қулаб тушган ва ҳозирда сақланмаган.

III-БОБ

ИШРАТХОНА ҲУДУДИНИНГ МЕЪМОРИЙ-ЛАНДШАФТ МУҲИТИНИ ГРАФИК ҚАЙТАТИКЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

3.1. Дилкушо боғи ва унинг меъморий-режавий ечими

Бу боғ ҳақида Шарафиддин Али Яздий қизик маълумотлар қолдирган. “799 ҳижрий йили куз фаслида Кониғил мавзуига боғи Эрамдан кўра дил очадиганроқ, жаннат бўстонида кўра шодлантирадиганроқ бир қаср қуришга буйруқ берилади... Боғи Дилкушо деб ном берилди”⁴⁰

Бу ҳақда Бобир берган маълумотлар ҳам аҳамиятга эгадир. “... Самарқанднинг шарқида икки боғ солибдур, бириким йироқтур, Боғи Бўлдурур, ёвукроғи Боғи Дилкушодир. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарфиға терак йиғочларни эктурубтур...”⁴¹

В.Л.Вяткин ўзи олиб борган археологик қазилмаларга асосланиб, унинг Ҳиндувон қишлоғида (кейинчалик Дўнг қишлоғи деб аталган) эканлигини айтади⁴². Бошқа авторлар ҳам бу боғни ўша ерда эканлигини тасдиқлаганлар. Ҳозирги кунда бу боғнинг ўрни Самарқанддан 5 км лар чамаси шарқда, Панжакент йўлининг ўнг томонида, Ўзбекистон колхозии территориясида жойлашган. Унга берилган ном (Дилкушо – дилни шодлантирувчи, ром қилувчи, хуш қилувчи, очувчи) боғ жисмига нисбатан мос тушганлиги шубҳасиздир. Шунинг учун бўлса керакки, бу боғни “... Мовароуннахрнинг энг яхши боғларидан”, - деб ёзган эди Шарафиддин Али Яздий⁴³.

Маказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ўрта аср боғларининг меъморий-режавий таҳлили шуни кўрсатадики, улар жойлашишига қараб икки хил: 1) шаҳар ичидаги боғ-хиёбонлар ва 2) шаҳар ташқарисида, унинг атрофидаги бунёд этилган боғ-саройларга бўлинади.

Шаҳар ичидаги меъморий боғ-хиёбонларга мисол тариқасида Сомонийлар даврида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида, Шоҳ-Аббос даврида Исфahонда, Темурийлар даврида Самарқанд, Шаҳрисабз ва Хирот

шаҳарларида, Бобурийлар даврида Агра, Деҳли ва Фотехпур Секрида қурилган боғларни кўрсатиш мумкин. Бу боғлар ҳудуди жиҳатидан унча катта бўлмай шаҳристон майдонларида, арк-қалъалар ичида, сарой ва мақбаралар қошида бунёд этилган боғлардир.

Шаҳар ташқариси ва унинг атрофидаги боғларга Самарқанд, Ҳирот, Исфаҳон, Лаҳор, Қобул ва Бухоро шаҳарларининг атрофида қурилган боғларни кўрсатиш мумкин. Бу боғлар ҳудуди нисбатан катта бўлиб, асосан XIV-XVII асрларда бунёд этилган боғ-саройлардир.

Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда, сўнгра Бобурийлар даврида Афғонистон ва Ҳиндистонда қурилган боғ-саройларнинг функционал таснифини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- элчилар ва хорижий меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган боғлар. Бунга мисол қилиб Самарқанд шаҳри атрофида бунёд этилган боғларни кўрсатиш мумкин;

- олим ва уламолар билан суҳбат уюштириш ва дам олиш боғлари. Бунга асосан Самарқанд аирофидаги Боғи Булдини кўрсатиш мумкин;

- кўриқхона ва ов қилишга мўлжалланган боғлар. Боғи Давлатобод, Жаҳоннамо ва Боғи Нақши-Жаҳонлар шундай боғлар бўлган деб ҳисобланади;

- миллий спорт ўйинлари ва байрамларни ўтказишга мўлжалланган боғлар. Масалан, Самарқанддаги Боғи Майдонда миллий "чавғон" ўйини учун махсус кенг ва текис яшил майдон ташкил қилинган;

- ҳукмдорларнинг оилалари билан дам олиш ва кўнгилочар боғ-саройлари. Масалан, Самарқанд атрофидаги Боғи Дилкушо, Боғи Бехишт ва Боғи Шамол шундай боғлар бўлган;

- мақбара боғлар, Бобурийларнинг Агра ва Деҳлида бунёд этган Тож-Маҳал ва Хумоюн мақбара боғ-саройлари.

Ўрта Шарқ, шу жумладан Темурийлар ва Бобурийлар даври боғ-истироҳатчилик санъатига хос режавий услублар икки хил:

- "чорбоғ" услубида мунтазам режали тартибда қурилган боғлар;

- аралаш режали, яъни бир қисми мунтазам тартибда, қолган қисмллари эса эркин табиат кўринишида қурилган боғлар.

“Чорбоғ” услубидаги боғларнинг режаси квадрат ёки тўртбурчак шаклида, атрофи деворлар билан ўралган, таркиби тўрт ва ундан кўп қисмлардан иборат боғлар бўлган. чорбоғларда режавий мунтазамлик ва атроф муҳитдан баланд деворлар билан ажратиш ўзига хос холисоналикни, яъни ушбу услубнинг асосий моҳиятини ташкил қилади. Мазкур тадқиқотимиз объекти ҳисобланган Ишратхона ёдгорлиги жойлашган Дилкушо боғи ҳам”Чорбоғ” услубида бунёд этилган боғларнинг биридир.

Боғи Дилкушонинг баланд дарвозаси бўлиб, ундан боғ марказида жойлашган, яъни бизгача “Ишратхона” номи билан сақланган Сарой бош хиёбон орқали борилган. Боғ ҳудуди бош хиёбонга нисбатан симметрик жойлашган бир талай квадрат шаклидаги ”чорчаман”ларга бўлинган. Чорчаманлар эса “чаман”лардан тузилган. Боғ ҳудудлари, чорчаман ва чаманлар ўзаро кесишувчи ўқ ариқлар бўйлаб ўтган хиёбонлар ва симметрик жойлашган сайргоҳ йўллар билан боғланган. Чорбоғнинг ўзаро туташувчи мунтазам тартибдаги ариқлар билан таъминланиши Ўрта Осиёнинг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитига мос келган.

Чорбоғ режавий ечимидаги боғларга Самарқанд атрофидаги нисбатан текис жойларда бунёд этилган Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав, Бухородаги Хонобод боғи, Ситораи Моҳи Хоса, Ҳирот боғлари ҳамда Исфahондаги Шаҳарбоғ, Кошондаги Боғи Фин боғларини мисол қилиб кўрсатамиз

Аралаш режали боғлар табиат ҳушманзарали тарзида, одатда тепалик ва қияликларда, нотекис жойлар, сой ва булоқ бўйларида ташкил этилб, кенг ҳудудли сайргоҳ истироҳат боғлари ва боғ-қўриқхоналар учун мос келган. Амир Темур бунёд этган Боғи Жаҳоннамо, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Тахти Қорача каби боғ-қўриқхоналар ана шундай эркин табиат манзараси кўринишидаги боғлар турига кирган. Бу боғларда қурилган саройнинг атрофлари, унга бориладиган марказий хиёбон ва боғнинг бош дарвозаси

олдилари мунтазам режада шакллантирилган. Зарурат туғилганда табиий кияликлар алоҳида текис поғоналарга бўлиниб, зинапоялар орқали боғланган.

Чорбоғ услубининг келиб чиқиши анча қадимий бўлиб, фикримизча Шарқнинг ”Чор унсур” фалсафасига асосланган. Бу фалсафа оламнинг в ундаги барча авжудотларнинг тўрт унсур: тупроқ, сув, нур ва ҳаводан ташкил топганлигини эътироф этади. У оламни тўр тараф ҳамда ер (замин) ва осмон (коинот)дан тузилган деб билади. Ислом маънавиёти ҳам ушбу фалсафадан холи эмас. Исломдаги ”жаннат” – бу боғлар рамзи ҳисобланиб, у фалакнинг тўрт тарафидан девор билан чегараланган, марказида эрам кўшки ва ”жаннат булоғи” жойлашган, булоқ суви тўрт тарафга ”жаннат ариқлари” орқали тарқалиб, ариқлар эса боғ ҳудудини бир неча тенг қисмларга бўлиб, ”жаннат боғлари”ни, яъни чорбоғни ташкил қилган. Чорбоғ эса ўзаро кесишган хиёбон ва йўлаклар, туташган ариқлар орқали бир-бирига тенг ”чорчаманлар”га, улар ҳам ўз навбатида яна майда тенг қисмларга – ”чаман”ларга бўлинган. Бу бўлинишлар, юқорида таъкидлаганимиздек, боғ дарвозасидан бошланиб бош хиёбонга нисбатан симметрик тарзда амалга оширилган. Кўриб турибмизки, ”Чорбоғ” бу модулли (миқёсий) боғ ҳамдир, яъни режавий тузилишига кўра мунтазам квадрат катаклар тўрига асосланиб шакллантирувчи боғдир. Унда кичик модул ролини ”чаман”лар бажарса, катта модул бу ”чорчаман”дир. Демак, Дилкушо боғи ҳам ўзининг режавий ечимига кўра геометрик уйғунлик назариясига асосланган.

Шундай қилиб, марказида ”Ишратхона” боғ – кўшки жойлашган Дилкушо боғининг ҳудудини меъморий-режавий жиҳатдан яхлит бадий эстетик фалсафий тушунча-геометрик уйғунлик ва холислик асосида шаклланган, мунтазам симметрик режадаги тўрт ва ундан кўп бир-бирига тенг ва миқёсий қисмлардан тузилган тартибли боғ деб тушуниш мумкин.

Нақл қилишларича, чорбоғ шундай боғки, унда тупроқ ҳам, нур ҳам, ҳаво ҳам бир-бирига ҳамоҳанг, яъни чорбоғда тўрт фаслга хос иқлимнинг разий ҳолати мавжуд бўлган. унинг бир қисмида шамол ёки шабада эсиб туриши зарур бўлса, бошқа бир қисмида ғарқ пишган мевалар ва

манзараларнинг мавжуд бўлмоғи, яна бир қисмида эса соя-салқин , сўлим муҳит яратилиши кўзда тутилган. Чорбоғда “яшил дунё”, “сув дунёси”, ер (тупроқ), иқлим ва инсонлар уйғунлиги боғнинг яхлитлиги ва холислигини таъминлаган. Шунинг учун ҳам чорбоғ “жаннат” рамзи ҳисобланган []. Чорбоғ, чорчаман, чортараф ҳовузлар ва боғлардаги чортоқ (кўшк)лар ҳам “мураббаъ” (чорсу), яъни квадрат шаклли мунтазам режага асосланган.

Ўрта асрлар боғ қурилиши амалиётида чорбоғнинг чор тарафи девор, ичи боғ, марказида сарой жойлашган хили кўп энг тарқалган. Шимолий Ҳиндистонда Бобурийларнинг ҳукмронлиги даврида чорбоғларнинг яна бир янги хили, яъни чор тарафи девор, ички қисми боғ, сарой-кўшк эса боғнинг марказида эмас, балки унинг тўғри қисмида жойлаштирилган хили амалган оширилган. Бундай хилдаги чорбоғнинг марказида сарҳовуз жойлашган. Бунга мисол қилиб Бобурнинг панневараси Шохжаҳон қурган “Тож - Маҳал” мақбара боғини келтиришимиз мумкин [].

Турли даврларда қурилган ўндан зиёд ўрта аср чорбоғларининг режавий ўлчамлари ва шакллари бир-бирига қиёслаш шуни кўрсатадики, улар орасида тарҳи тўғри тўртбурчак шаклидаги, томонларининг узунлиги эса 1350х900 метрдан то 300х200 метргача бўлган хиллари мавжуд. Бироқ, энг кўп тарқалган боғлар, асосан квадрат ва 105 квадрат шаклида, ўлчамлари эса 1000х1000, 900х900 метрлик катталиқдаги чорбоғлардир []. СамДАҚИ профессори А.С.Уралов чорбоғларнинг режавий шаклини кўп ҳолларда квадрат, бир ярим квадрат ва икки квадратдан иборат эканлигини, ўлчамларини эса 500х500, 750х500 ва 1000х1000 метрлик катталтқларда бўлишлигини аниқлаган []. Бу эса чорбоғ услубида бино этилган боғ ёки паркларнинг бизнинг шароитимизда 25 гектардан 100 нектрагача бўлишлигини тақозо этади.

Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида сақланган тарихий чорбоғлар тарҳини ўрганиш, улардаги бош хиёбонлар ва асосий йўлларнинг ўзаро кесишган ва тугаган жойлари боғнинг бирон-бир муҳит объекти ёки боғ-парк иншооти билан бўрттирилиб шаклланганлигини кўрсатади.

Хиёбонлар кесишган, айрим ҳолларда улар тугаган жойларда боғ-саройлар, кўшқлар, ҳовузлар ёки фавворалар жойлашганлигини кўрсак, улар бошланган ёки тугаган жойларда дарвозалар, боғ-иморатлари ва айвонларни учратамиз.

Темур даври боғ-саройлари яна бири улар экилган экинлар ва дарахтлар тури ва уларни экишда қўлланган манзаравий композициялардир. Бу масалада аввало шуни таъкидламоқчимизки, ўрта аср Ўрта Осиё меъморий боғларида мевали ва манзарали дарахтлар биргаликда экилган []. Чорбоғдаги мевали дарахтлар турига ўрик (зардоли), бодом, шафтоли, олма, олхўри, анорларнинг бир неча хиллари, ширин ва нордон беҳи, олча, гилос, нок, анжир, жийда, тут ва писта кирган ва алоҳида узумзорлар ташкил қилинган []. Боғларда мевали дарахтлардан ташқар соя-салқин берувчи, ўзидан хушбўй ҳид тарқатувчи манзарали дарахтлар тол (табар хун), мирза терак (Сафидори Самарқандий), чинор, сарв ва аръар (қора арча) каби дарахтлар ўрин олган. Мажнунтоллар, сарв ва аръарлар боғлардаги ҳовуз бўйига экилган []. Боғларда мевали ва манзарали дарахтлардан ташқари ҳар хил гуллар ва кўкатларга алоҳида жой ажратилган. Тарихий китобларда уларнинг қуйидаги турлари қайд қилинган: ҳамиша баҳор, савсани расмий, ханжарий, кўк бинафша, садбар, заъфарон, нарғиз, боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гуш, дардари кокилий, оддий савсан, саҳройи савсаннинг бир неча турлари, оддий шақохий, шаббўйи, сариқ лола, настарин, бағдодий, қазғо, гули раъно, кўкнор гул, сариқ ёсуман, гули шаш моха, нилуфар, каранфулгул, савсани хатмий, шаб ва дўстон, чаман афрўз ва гултожихўроз кабилар маълум []. Бу анъаналар чорбоғ услубидаги боғлар ечимида муҳим меъморий-режавий ва ландшафт тартиботи тарзида кўп асрлар давомида қўлланиб келинган.

Кейинги йилларда Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтининг ”Меъморчилик назарияси ва тарихи” кафедрасида проф. А.С.Уралов раҳбарлигида Марказий Осиё халқлари боғ-истироҳатчилик санъатининг ”Чорбоғ” услубини чуқур ўрганиш, аниқроғи уни мукамалроқ

ва ишончлироқ тарзда график қайта тиклаш ва шу асосда ландшафт архитекторлари учун чорбоғларнинг қатор лойихавий таклифларини ишлаб чиқариш бўйича саъй-ҳаракатлар қилинган.

Мен бажараётган магистрлик диссертацияси ҳам ана шу йўналишдаги илмий-амалий ишларнинг биридир. Ишратхона ҳудудининг меъморий-ландшафт муҳитининг географик қайта тиклаш бўйича таклифларимиз юқоридаги Чорбоғ услубини қўллашга асосланган.

3.2. Меъморий ёдгорликлар ҳудудининг меъморий-ландшафт муҳитини ташкиллаштириш тамойиллари

Узоқ ўтмишда Самарқанднинг XIV аср меъморий ёдгорлиги бўлган Ишратхона жойлашган ҳудуд шаҳарнинг энг гўзал жойларидан бири бўлган, чунки ёдгорлик атрофида аллеялар, ҳовуз ва гулзорга эга парк бунёд этилган. Ҳозирда бу ерда нохуш таассурот ҳосил қилувчи, шунингдек унинг жоиз реконструкциясини қийинлаштирувчи тартибсиз турар жой қурилиши вужудга келган. 10-15 метрга чўзилиб кетган экин майдонлари доимий суғоришдан ёдгорликнинг тўлиқ вайрон бўлиш хавфини туғдиради.

Бир неча йиллардан бери ёдгорликни келгуси авлод учун сақлашга ҳаракат қилиняпти. Германиялик мутахассислар мақбара чидамлилигини таъминлаш ва ундан замонавий фойдаланиш бўйича техник-муҳандислик чораларини ишлаб чиқдилар.

“ЎзНИПИ реставрации” институти лойиҳасига ёдгорликнинг ҳажмий-режавий тузилишини, тарзларнинг декоратив мозаика безаклари ва интерьернинг рангтасвир қолдиқларини сақлаб қолишга йуналтирилган консервациялаш ишлар мажмуи киритилган. Бунга деворларнинг бузилган бўлаклари ва ғишт қатламидаги тўлдиришлар, қадимги ғишт тахлами устидан замонавий ҳимоя қаватининг, томда гидроизоляциянинг ўрнатилиши ва бошқа ишлар киради.

Консервация чоралари билан бир қаторда лойиҳада иншоотнинг кейинчалик йўқотилган алоҳида конструктив элементларини тиклаш кўзда тутилган, аммо уларнинг таъмири ҳужжатлар билан (фото, ўлчов чизмалари, натурадаги конструкциянинг қолдиқлари) асосланади. Кириш пештоқининг равоғи, марказий зал ва алоҳида хоналар томининг равоқлари қубба конструкцияси тикланади, тарзлардаги иккинчи қават конструктив тахламини тиклаш белгилаб олинади.

Бу муаммога 2007 йилдаги меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича биринчи ўзбек-герман Ёзги Академияси бағишланган эди, у ерда 60 га яқин ўзбек ва герман талабалари, профессор ва доцентлар учрашишган. Лойиҳа раҳбари-Свен Валлаш. Тадбирнинг мақсади, Ўзбекистон талабаларига Самарқанддаги Ишратхона-XIV аср объекти мисолида меъморчилик ёдгорликларини муҳофаза қилиш соҳасидаги тажрибани бериш, шунингдек технология жараёни ва таъмир ишлари усуллари билан таништириш. Аммо бу учрашувда ўртага ташланган таклифлар амалга оширилмади.

"Ёдгорликни мустаҳкамлаш (ёдгорликнинг қурилиш конструкцияси, типологияси, дастлабки ҳажмий – режавий тузилиши вариантлари)" мавзуси бўйича 1-гуруҳ меъморлар лойиҳасида қурилиш конструкцияси ҳолати тавсифи ва ҳисоби, меъморий шаклнинг конструкция тури ва орнаментларнинг асосий элементларини фарқлаш ва аниқлаш, конструкциядаги зарарланишлар таҳлили, конструкцияни сақлаш ва ундан фойдаланиш бўйича таклифлар кўриб чиқилган.

Бу гуруҳ вазифасига ёдгорлик ҳажмий-режавий тузилиши, тадқиқотлари бўйича ҳужжатларни, конструкциялар ва сақлаб қолиш бўйича жоиз тадбирларни ишлаб чиқиш киради, шу жумладан:

-ахборот излаш, манбаларни ўрганиш: архив материаллари, адабий манбалар, тарихий фотосуратлар, объект бўйича ўлчовлар ва ҳужжатлар, чизмалар, зарарланишлар таҳлили;

-объект бўйича қўшимча ҳужжатларни ишлаб чиқиш (жойида),

бузилиш жараёнининг бошланиш вақтини, унинг кучайишини аниқлаш, натижаларни уч ўлчамли модел кўринишида акс эттириш, равоқларнинг турли шакллари ва гумбаз конструкцияларини ҳужжатлаштириш;

-Самарқанднинг бошқа мақбаралари билан қурилиш тарихи ва қурилиш технологияси жиҳатидан таққослаш (план, профиль, қирқим, гумбаз конструкцияси);

-ёдгорликни тарҳда чизма кўринишида (жой тарҳи, силуэт) тасвирлаш ва фазовий меъморчиликни (перспектива, изометрия - қўлда хомаки чизма), шунингдек танланган деталларни (қўлда ўлчам олиш) тасвирлаш;

- қурилиш конструкцияси ҳолати таҳлилидан сўнг олинган натижалар асосида ёдгорликдан фойдаланиш ва уни сақлашга оид масалалар муҳокама қилинди (масалан, ҳаробалаштирилган ёдгорлик, музей-қурилиш майдони, кўргазма хонаси, кўриш майдончаси).

Зарур қурилиш тадбирларини (мустаҳкамлаш, сақлаш, тиклаш, қайта қуриш, кенгайтириш ёки реконструкция) ва ишларнинг календар режасини муҳокама қилиш.

"Меъморий безакни мустаҳкамлаш" (иншоот аҳволи тавсифи бўйича ҳужжатлар, натижалар таҳлили ва материаллар таҳлили, иншоот ташҳиси ва таъмирлаш бўйича концепция) мавзуси бўйича 2-гуруҳ, меъморларининг лойиҳаси мақсади: меъморий безак элементларини идрок қилиш ва ўрганиш, конструкциялар материаллари ва хусусиятларини, шунингдек ёдгорлик зарарланишларини аниқлаш, объектни ўрганиш, сабабларни тушуниш лаёқатини ривожлантириш, таъмир тадбирларига эҳтиёжни муҳокама қилиш ва аниқлаш.

Бу гуруҳ вазифасига объект алоҳида бўлаклари учун тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва таъмирлаш масалаларига аҳамиятни қаратган ҳолда ёдгорлик аҳволини тадқиқ қилиш киради, шу жумладан:

-объектни ифодалаш: ғишт тахлами тарихий техникаси ва безаклаш техникасига умумий тушунчалар, шунингдек ёдгорлик аҳволининг қисқача тавсифи;

-тадқиқот материаллари услублари таҳлили асосига умумий тушунтириш. Асосий ҳужжатларни (тарҳлар, хона ва деворлар тавсифи, шунингдек ўлчов ишларини ўтказиш) ишлаб чиқиш, участкаларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш, ёдгорлик зарарланган қисмлари тавсифи;

-турли қурилиш ва декоратив материалларни (тасвир, деворий нақш, декоратив керамика) белгилаш, тавсифлаш ва картотекага киритиш; асосий физик-қурилиш ва химик сифатларини ва материаллар хусусиятини аниқлаш;

-зарарланишларни (статистик, химик-қурилиш, гидрогеологик ва климатик параметрларни ҳисобга олган ҳолда) тавсифлаш ва картотекага киритиш бўйича ҳужжатлаштириш, зараланишлар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ёдгорликнинг зарарланиш расмлари билан каталоглар яратиш;

- зарарланишлар ва материаллари таҳлили тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш, материаларни жойида қурилиш материаллари лабораториясида таҳлил қилиш. Ёдгорлик тадқиқотлари натижаларини ҳамкорликда баҳолаш ҳамда консервация ва таъмир имкониятларини, тадбирлар моҳияти, консервация бўйича огоҳлантирувчи моҳиятларни муҳофафза қилиш.

Ҳамкорликдаги ишнинг натижаси Ишратхона ёдгорлиги ва унинг таъсир зонаси фаоллиги ривожининг янги стратегиясини ишлаб чиқиш бўлди. Ёзги Академиянинг якуний қисмида маърузалар тингланди ва сертификатлар топширди.

Ёзги Академия шароитида ўқув-танишув ва тадқиқот фаолиятининг қиймати фақат натижаларни эмас, жараёни ҳам ўз ичига олади. Ёзги Академияни ўтказиш тажрибаси талабаларнинг бундай кўринишдаги ижодий ва тадқиқотчилик фаолиятидаги иштироки уларнинг ақлий салоҳиятлари ривожига ҳамда бўлажак меъмор-таъмиршуносларнинг тор мутахассисликдаги тайёргарликларига яхши таъсир этишини фараз қилиш имконини беради.

Меъморий муҳит ва меъморий ёдгорликларни кўкаламзорлаштириш табиий иқлим шароитлари ҳамда маҳаллий флоранинг манзаравий

Ўсимликлари билан узвий боғлиқликда амалга оширилиши керак. Меъморчиликнинг миллий колорити ёдгорлик ёки мажмуа худудининг кўкаламзорлаштиришида намоён бўлиши керак.

Ўзбекистон учун тут дарахти, чинор, қорағоч, терак, кўктерақ ва шу кабилар характерлидир. Масалан, қайин Москва меъморий ёдгорлиги олдида табиий, Ўрта Осиё республикасида эса у доим ҳам кутилган самарани беравермайди. Кўкаламзорлаштириш услуги ёдгорликнинг меъморий услубига, унинг улуғворлиги ва серхашамлигига тўлиқ жавоб бериши керак. Меъморий иншоотлар атрофида, одатда, хиёбон ва парклар бунёд этилади. Тантанали, партер қисми одатий услубда кўкаламзорлаштирилади-йўллар ва гулзорларни ўраб турувчи буталган тўсиқлар, шар кўринишидаги шаклга келтирилган дарахтлар, майсазор фонидаги ёрқин гуллар. Қолган жойлар хотиржамлик ва шинамлик яратувчи баланд танали шар ёки конуссимон шаклдаги дарахтлар билан кўкаламзорлаштирилади.

Ниҳоят кўкаламзорлаштириш бўйича алоҳида ҳолатлар ҳар қандай меъморий иншоотни кўкаламзорлаштиришда инобатга олинadиган меъморий ҳужжатларда келтирилади. Дарахтлар, буталарнинг биринчи қатори ва меъморий иншоот пойдевори орасидаги масофани ҳисобга олиш зарур. Ўсимликлар илдизлари бино пойдеворини емиради, йўлка ва йўллар қопламасини кўчириб юборади (оқ акция, қора терак ва шу кабилар). Бухорода Лабиховуз майдони бунга мисол бўла олади, унинг атрофида ақ акция, тут, япон софораси, яшил шумтол ўсган, уларнинг илдизлари бино пойдеворини емиради, йўлка ва йўллар қоплам юзасини кўчириб юборади. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш учун япон софораси, тут, теракнинг бир тури бўлган тўранғи кўктерақ, оқтол (эгилган тури)ни экиш тавсия этилади.

Ф. Хўжаев номидаги хиёбон реконструкциясида маҳаллий навларни, шунингдек қизиқ экзотик, иқлимлаштирилган ўсимликларни экиш мумкин: тўранғи, кўктерақ, баланд танали тут, ингичка баргли жийда, иқлимлаштирилган (келтирилган) япон софораси, айлант, совун дарахти,

ипаксимон акация, дазаранги, буталар: чатишма гибискус, экилган форзиция, қора бузина, чатишма чайно, пернецианск, флорибунда ва полиант атиргулини экиш мақсадга мувофиқдир.

Кўпинча эски шаҳарлар реконструкцияси ва муҳим тарихий-меъморий ёдгорлик ва мажмуаларни тиклашда эътиборга олинмайдиган ташқи ободонлаштиришнинг элементларидан бири йўлнинг юза қопламаларидир.

Меъморий ёдгорликлар кўп бўлган шаҳарларда кенг тарқалган йўл қопламаси хом ашёси, одатда асфальт. Табиий тошни тўшаш самаралироқ ва мустаҳкамроқ, чунки у тарихий типографияни табиий кучлар тасиридан бузилишини қандай сақласа, одамларнинг оммавий келиб-кетишидан ҳам худди шундай сақлайди. Охирги йилларда қадимий ёдгорликларга эга шаҳарларга сайёҳлар тўхтовсиз равишда келиб кетяпти, шунинг учун ободонлаштириш элементларининг жорий қилишини меъморий ёдгорликлар ва қадимги ландшафтнинг сақланиши учун катта аҳамиятга эга.

Тарихий меъморий мажмуалар ҳудудини кўкаламзорлаштириш характери уларнинг функционал, композициявий ва стилистик хусусиятларига мувофиқ келиши керак. Кўчалар кўкаламзорлигининг анъанавий усуллари кўп ҳолларда тарихий иншоотлар экспозициясини инобатга олган ҳолда бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўзгартирилиши керак.

Тарихий шаҳарларда шаҳарсозлик лойиҳалаштириш масалалари алоҳида долзарб тус олади, айниқса шаҳарлар ҳудудида хавсиз ва қулай пиёдалар ҳаракати ва қўриқхона зоналарда транспорт ҳаракатини ташкил қилиш масалалари ижобий ҳал қилиниши керак.

Меъморий ёдгорликларнинг кўкаламзорлаштириш билан ижобий бирикувининг яққол мисоли мемориал ёдгорликлардир, булар – Чор Бакр ва Нақшбандий мажмуалари атрофидаги шаҳар ташқариси зоналаридаги мақбаралардир. Ёдгорликлар ва шаҳар ташқарисидаги саройларни, масалан, Самарқанддаги Ишратхонани кўкаламзорлаштиришида уларнинг

улуғворлиги ва серҳашамлигини намоён қилиш зарур.

Ҳамма ҳолларда ҳам кўкаламзорлаштириш меъморий иншоотлар билан қатъий уйғунликда бўлиши керак. Ниҳоят ҳар қандай меъморий иншоотни жойнинг инженер-геологик шароитларини ҳисобга олиб, кўкаламзорлаштиришида инобатга олинishi зарур бўлган алоҳида ҳолат ва махсус услубий тавсиялар ишлаб чиқилиши керак. Бундан ташқари дарахтлар, буталарнинг биринчи қатори ва меъморий иншоот пойдевори орасидаги масофани ҳисобга олиш зарур.

Тоқи Саррофон ва Тоқи Телпак Фурушон орасидаги хийбонни реконструкциялашда маҳаллий навларни, шунингдек қизиқ экзотик, иқлимлаштирилган ўсимликларни экиш керак. Кўкаламзорлаштириш услуби ёдгорлик меъморий услубига тўлиқ жавоб бериш керак. Ёдгорликлар атрофини кўкаламзорлаштириш масалаларини ҳал қилганда уларнинг ёши, даври ва услубий хусусиятларни инобатга олиш керак бўлади. Эски шаҳарларни реконструкциялашда, муҳим тарихий ёдгорликлар мажмуаларни тиклашда кўпинча эътиборсиз қолдириладиган ташқи ободонлаштириш элементларидан бири, бу- йўл ва йўлаклар юзанинг қопламасидир. Одатда асфальт энг кенг тарқалган хом ашёдир, фақат баъзи ҳолларда тош тўшалади. Асфальт қопламалари XVI-XIX аср меъморчилиги ёдгорликларининг қиёфасини қайта тиклашга ҳеч қандай ёрдам бермаслигини исботлашга ҳеч қандай зарурат йўқ, ундан қадимийроқ ёдгорликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Асфальтнинг бундай кенг қўлланилишига асосий сабаб – тарихий-меъморий мажмуаларни тиклаш ва реконструкциялашда ободонлаштириш элементларига етарлича аҳамият бермасликдир, иккинчидан сабаб- табиий, тупроқ юза ва оддий тош тўшамага ўхшайдиган махсус арзон хом ашёнинг етишмаслигидир.

Табиий тош тўшаманинг қўлланилиши, албатта самарали ва мустаҳкам, аммо бу айниқса, катта юзаларни қоплашда таъмир ишларинг нархини оширади. Тош тўшаманинг қўлланилиши доим ҳам меъморчилик

ёдгорлиги реставрациясида ёки шаҳарнинг эски қисми реконструкциясида ишнинг юқори техник ва бадиий сифатини кафолатламайди, шунинг учун уни қўллаш, шунинг тўшама тури, кўринишини танлаш асосли равишда бўлиши керак.

Кейинги йилларда меъморчилик ёдгорликларига сайёҳларнинг ташрифи қизғин тус олмакда, шу боисдан ободонлаштириш элементларининг жорий қилиниши ёдгорликлар ва қадим ландшафтнинг сақланиши учун катта аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан қадимий шаҳарларни мисол қилиш мумкин. Одатда қадимий шаҳарларга келаганда сайёҳлар бу тупроқ кўрғонларни ташқаридан томоша қилиш билан чекланмай, уларнинг юқорисига чиқадиладар, аммо қадимий шаҳарнинг қалъа девори устида юриш уларнинг секин-аста вайрон бўлишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, замонавий ёритиш ускуналарини стандарт шакллариининг ёдгорликни томоша қилиши реал шароитларини инобатга олмай жорий қилиниши кенг тарқалган хатолик ҳисобланади. Шаҳар майдон ва кўчаларида, шунингдек ноёб меъморчилик ёдгорлиги яқин атрофида уларнинг нотўғри жойлаштирилишида кўпинча носозлик элементлари кириб қолади. Ёритиш ускуналари кўча устунлари кўпинча меъморий мажмуаларни ҳар тарафдан кўриниши учун зарур бўлган очик фазони тўсиб қўяди. Тарихан юзага келган шаҳарлар тарҳи ва қурилиш лойиҳаларини тузишда электр тизимларини ер ости ва траншеялар ўтказишнинг замонавий усулларини кенг қўлаш керак. Ёритиш ускуналарини ўрнатиш эса ёдгорликни идрок қилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак. Қадимий шаҳарларни тарихий юзага келган жойларини реконструкциялаш ва янгилашда муҳим муаммолардан бири тарихий-меъморий ёдгорликлар ва мажмуалар зонасидаги мавжуд кўриш майдончаларини тозалаш ва ободонлаштиришдир.

Тарихан шаклланган шаҳарларнинг замонавий ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, муҳим меъморий ёдгорликлар билан ялпи тизимсиз

қурилмаларнинг ёнма-ёнлиги уларнинг кўпи учун характерлидир. Бу эса шаҳарни томоша қилишни қийинлаштиради ва унинг эстетик сифатини туширади; бунда кўпинча ландшафт санъатининг элементар асослари, ёдгорликларнинг композициявий хусусият ва характери инобатга олинмайди. Экин экишнинг энг кенг тарқалган тури чизиқли қаторлаб экиш, бу ҳолларда тарихий мажмуани, қизиқ кўриш соҳаларини беркитувчи, қадим меъморчилик хусусиятларига мувофиқ келмайдиган яхлит тўсиқдир.

3.3.Ишратхона ҳудудининг меъморий-ландшафт муҳитини график қайтатиклаш бўйича таклифлар

Лойиҳада қуйидаги муҳофаза зоналари таклиф этилиши керак:

- ёдгорликнинг муҳофаза зонаси;
- қурилишларни тартибга солиш зонаси;
- муҳофаза қилинадиган табиат ландшафти зонаси;
- маданий қатлам муҳофаза зоналари.

Муҳофаза зонаси бевосита муҳофаза қилинадиган ёдгорлик атрофидаги, ёдгорликнинг баландроқ қисмининг уч барабар баландлигига тенг **ҳудудий муҳофаза зонаси**, ёки ёдгорликнинг аниқ вазиятга боғлиқ таъсир ҳудуди. Зонанинг катталиги, ёдгорликнинг ва унга яқин жойлашган муҳитнинг моддий сақланишини таъминлаш, ёдгорликни, унинг функционал хизмат кўрсатишининг қулай шароити ва характерли атроф муҳитнинг қулай идрок қилинишини яратиш мақсадидан келиб чиқиб қабул қилинади.

Қурилишларни тартибга солиш зонаси - шаҳар тарихий ўзаги ва тарихий маркази режавий тузилишини тартибга солиш зонаси, ёдгорлик муҳофаза зонаси атрофида ёдгорликнинг тарихий урбанистик атроф муҳитининг қимматбаҳо элементларини, аҳоли пункти шаҳарсозлик тузилишида ёдгорликнинг композициявий таъсири, ёдгорлик ва унинг янги қурилишлар билан бирга тарихий шаклланган муҳитини сақлаш ва қайта

тиклаш мақсадида ўрнатилган ҳудудий муҳофаза зонаси. Қурилишларни тартибга солиш зоналарида тўртта қурилиш режими ажратилиши керак.

Муҳофазаланадиган ландшафт зонаси - муҳофаза зоналари ва қурилишларни тартибга солиш зоналари таркибига кирмаган, аммо шаҳар бинолари ва табиати - тарихий шаклланган бирлигини сақлаш ва қайта тиклаш, ёдгорлик ва у билан боғланган табиий муҳитни идрок қилиш яхлитлигига таъсир қилувчи ландшафт майдонларини қайта тиклаш мақсадида ёдгорлик билан (ёдгорликлар мажмуаси ва шаҳарсозлик мажмуалари ёдгорликлари билан) фазовий ўзаро боғланган, ноурбанистик ҳудудларда ўрнатилган ҳудудий муҳофаза зоналари.

Маданий қатлам муҳофаза зонаси- мустақил археология ёдгорлиги ҳисобланган ёки бошқа турдаги муҳофазаланадиган ёдгорлик билан боғлиқ, маданий қатламнинг алоҳида қийматга эга майдонларининг ҳудудий муҳофаза зонаси, уни яратиш тартиби қурилиш ва бошқа ер ишлари бошланиши олдида ўтказиладиган маданий қатламни ўрганишни, режалаштирилган қидирув ишлари ва муҳофаза қазилма ишларини таъминлайди.

Археологик кузатув зонаси- археологик кузатув тартибининг асосий ҳолати улар устидан систематик ва малакавий археологик кузатувни, шунингдек алоҳида қийматга эга объектларнинг муҳофаза қазилмалари ва қимматбаҳо топилмаларни топилган жойида музейлаштириш имкониятини назарда тутувчи ер ишларини ўтказишнинг алоҳида тартибидир.

3.4. Ишратхона ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш

Муҳофаза зонасида ёдгорлик эксплуатациясига тегишли бўлмаган автостоянкалар, дўкончалар ва реклама тахтачаларининг ўрнатилишига, электр ўтказгичларнинг ҳаво тизимлари ўтказилишига, ёдгорлик тарихий муҳитини бузувчи, унинг атрофдан кўринишига халақит берувчи алоҳида турувчи трансформатор кичик станцияллари ба бошқа иншоотларга йўл қўйилмайди. Ишларни олиб боришда объектни нохуш динамик ва шунга ўхшаш таъсирлардан ҳимоя қилиш талабларини инобатга олиш зарур.

Муҳофаза ҳудудидаги табиат ландшафти. Муҳофазадаги табиат ландшафти зонасининг таркиб режими табиатни қўриқлаш ва ландшафт-реставрация комплекс тадбирларини назарда тутиб, ландшафтни бузмайдиган ва турли қурилмалар қурилишини талаб қилмайдиган замонавий ҳўжалик фаолиятини юритади. Ўхшаш шароитларда бу зона рекреацион зона, дам олиш спорт зонаси ва шу кабилар сифатида фойдаланилиши мумкин, аммо 1 м² майдонга келувчиларнинг ҳисоб миқдори одатий меъёрга нисбатан камайтирилган, ҳеч бўлмаганда икки марта камроқ бўлиши керак, – ландшафт муҳофазаси бўйича тадбирлар табиий рельеф ва сув ҳавзаларини сақлаш, канал вав ариқларни тиклаш, ландшафтни бузувчи иншоотлар ва бошқа дисгармоник элементларни юқотиш орқали ландшафт тарихи кўриниши сақлаш, табиий тикланган зоналарни ўрнатиш ва қирғоқ ҳудудларни ўпирилишлардан ҳимоялаш, жарликлар ва қияликларни мустаҳкамлаш, ўтли қоплама ва тупроқ қатламларини пайҳон қилинишдан ва шамол эррозиясидан сақлашдан иборатдир (тарх тузилишини сақлаш ва тиклашга, меридиан кўчалар тўғрилини сақлашга талаблар, шунингдек табиат ландшафтларини тиклаш, дарё ёқасидаги жойларда ҳаво бассейнини мустаҳкамлашга бериш керак).

III-боб хулосаси

1. Ишратхона ёдгорлигининг ҳозирги ҳолати ачинарли аҳволда. Обидани тўла таъмирлашнинг иложи йўқ деб ҳисоблайман. Уни консервация, яъни мухандисона таъмирлаш мумкин. Бу ишни Германиядаги Постдам техника университети олимлари ва талабалари маҳаллий ҳокимият ва ёдгорликларни сақлаш Самарқанд вилояти инспекцияси билан келишган ҳолда қисман бажаришаг муваффақ бўлган. Бунинг учун биз улардан миннатдормиз;

2. Боғ-саройлар, шу жумладан биз ўрганмаган “Ишратхона” ҳам ўзининг қурилиш жиҳати ва ҳамма томондан бекаму-кўстлигидан ўз даврининг , яъни Амир Темури ва темурийлар даври боғ-парк меъморчилигини санъатининг ноёб намунасидир. Шундай экан, ушбу ёдгорликда зудлик билан мухандислик таъмири ишларини олиб бориб, уни келгуси авлодлар учун Темурийлар даври меъморчилиги ва боғ-парк санъатининг асл намунаси тарзида сақлаб қолиш ва ундан замонавий мақсадларда, жумладан ёдгорликни очик осмон остидаги музей тарзида туристларга кўрсатиш, улар учун томоша объектига айлантиришни таклиф қиламиз;

3. Шу чоққача Ишратхона ёдгорлигининг муҳофаа ҳудуди белгиланмаган, уни ташкил этиш бўйича ҳозиргача бирон-бир чора-тадбирлар амалга оширилмаган. Натижада атроф четда истимол қилувчи аҳолининг уй-жойлари обида ҳудудига жуда яқин келиб қолган ва обидани кесиб қўйган;

4. Биз ушбу мосламани ижобий ҳал қилишни диссертациямизда ўзимизга мақсад қилиб қўйдик ва уни ҳал қилдик;

5. Ишратхона ҳудудининг ҳозирги меъморий-ландшафт ташкиллаштириш ҳолати ҳам ўта сифатсиз даражада ишланган. Обидани Самарқанд шаҳри сайёҳларининг томоша маршрутига қўшиб, унга ташриф буюрувчилар учун зарур шароитлар яратилмаган. Шунинг учун биз Ишратхона ҳудудининг меъморий-ландшафт муҳитини график қайта тиклаш бўйича ижодий-лойиҳавий таклифлар киритдик. Улар диссертациянинг тақдимот қисмидаги тегишли иллюстрацияларда келтирилган;

6. Ишратхона ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича ҳам тегишли таклифлар ишлаб чиқилди ва улар ҳам лойиҳада ўз аксини топди;

7. Биз Самарқанддаги Ишратхона ёдгорлигини чуқур ўрганар эканмиз, уни илмий тадқиқ ва муҳокама қилиш натижасида Ўрта Осиё халқ усталарининг ўтмишда қўлга киритган ютуқларини ижодий ва танқидий ўрганиш ва ижодий қайта ишлаш натижасида ҳозирги замон боғ-парк санъатида ҳам яхши натижаларга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қиламиз.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

Биз Самарқанд шаҳридаги Ишратхона ёдгорлигини, унинг Амир Темур ва темурийлар ижтимоий ҳаётида тутган роли ва ўрнини, ёдгорликнинг муҳофаа ҳудудини ташкил қилиш ва меъморий ландшафт муҳитини график қайта тиклаш масалаларини ўрганар эканмиз, ҳали нафақат Ишратхона, балки бошқа меъморий обидаларимизни ҳам сақлаш қолиш ва келажак авлодларга этказиш бўйича олдимизда қанчалар-қанча ечилмаган масалалар турганлигини ҳис қиламиз. Бизнинг юқорида Ишратхона билан боғлиқ кўриб чиққан масалаларимиз ҳам ана шундай ечимини кутаётган долзарб муаммоларнинг бир қисмидир ҳолос.

Мен илмий раҳбарим доцент А.Б. Болгаев ва проф. А.С. Ураловлар билан бирга Ишратхона ёдгорликларини диссертацияда қўйилган мақсад бўйича чуқур ўрганиб, тадқиқотларимиз натижасида тўпланган илмий ва фактик материаллар асосида уларни таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларга келдим:

1. Ишратхона ёдгорлиги устида архитектурашунослик фанида кўпдан берит академик Г.А. Пугаченкова ва профессор П.Ш. Зоҳидовлар орасида давом этиб келаётган илмий баҳс, яъни обидани мақбара деб ҳисоблаш керакми ёки у темурийлар даври боғ кўшкими? Деган муаммога нуқта қўйилди. Ишратхона Темур томонидан қурилган Боғи Дилкушо боғининг боғ-саройи, кўшкни эканлиги исботланди;

2. Ишратхона ўзининг меъморий ечими нақшу-нигорлари, хоналари таркиби, уларнинг тарҳда жойлашиши бўйича ҳам тўлиқ боғ-саройи функциясига мос келади. Ёдгорликнинг ертўласидан топилган кўп сонли инсон суяклари эса унинг кейинги даврларда ўзга диндаги инсонлар учун мақбара сифатида фойдаланилганлигини билдиради ҳолос;

3. Ишратхона ўзининг нафақат ўзининг нақшу-нигорлари, балки конструктив ечимлари билан ҳам темурийлар даври обидалари ичида энг ноёб бинолардан бири эканлиги билан ажралиб туради. Бино қўшгумбазли бўлиб, унинг устки гумбази баланд гардиш устига ўрнатилган, пастки гумбази эса катта миён-сарой устини ёпиб турувчи “линга-зарба” қурилмаси ёрдамида ҳосил қилинган мураккаб, айти пайтда ўта ноёб ва гўзал ички гумбаз билан безатилган. Афсуски, бу гўзал (ташқиси кошинкорий феруза рангда, ичкиси муқарнаслар тизимидаги нақшлар билан безатилган) гумбазлар вақт ўтиши билан объектив ва субъектив сабабларга кўра қулаб тушган ва ҳозирда сақланмаган;

4. Ишратхона ёдгорлигининг ҳозирги ҳолати ачинарли аҳволда. Обидани тўла таъмирлашнинг иложи йўқ деб ҳисоблайман. Уни консервация, яъни муҳандисона таъмирлаш мумкин. Бу ишни Германиядаги Постдам техника университети олимлари ва талабалари маҳаллий ҳокимият ва ёдгорликларни сақлаш Самарқанд вилояти инспекцияси билан келишган ҳолда қисман бажаришаг муваффақ бўлган. Бунинг учун биз улардан миннатдормиз;

5. Боғ-саройлар, шу жумладан биз ўрганмаган “Ишратхона” ҳам ўзининг қурилиш жиҳати ва ҳамма томондан бекаму-кўстлигидан ўз даврининг , яъни Амир Темур ва темурийлар даври боғ-парк меъморчилигини санъатининг ноёб намунасидир. Шундай экан, ушбу ёдгорликда зудлик билан муҳандислик таъмири ишларини олиб бориб, уни келгуси авлодлар учун Темурийлар даври меъморчилиги ва боғ-парк санъатининг асл намунаси тарзида сақлаб қолиш ва ундан замонавий мақсадларда, жумладан ёдгорликни очиқ осмон остидаги музей тарзида туристларга кўрсатиш, улар учун томоша объектига айлантиришни таклиф қиламиз;

6. Шу чоққача Ишратхона ёдгогорлигининг мудофаа ҳудуди белгиланмаган, уни ташкил этиш бўйича ҳозиргача бирон-бир чора-тадбирлар амалга оширилмаган. Натижада атроф четда истимол қилувчи аҳолининг уй-жойлари обида ҳудудига жуда яқин келиб қолган ва обидани кесиб қўйган;

7. Биз ушбу мосламани ижобий ҳал қилишни диссертациямизда ўзимизга мақсад қилиб қўйдик ва уни ҳал қилдик;

8. Ишратхона ҳудудининг ҳозирги меъморий-ландшафт ташкиллаштириш ҳолати ҳам ўта сифатсиз даражада ишланган. Обидани Самарқанд шаҳри сайёҳларининг томоша маршрутига қўшиб, унга ташриф буюрувчилар учун зарур шароитлар яратилмаган. Шунинг учун биз Ишратхона ҳудудининг меъморий-ландшафт муҳитини график қайта тиклаш бўйича ижодий-лойиҳавий таклифлар киритдик. Улар диссертациянинг тақдимот қисмидаги тегишли иллюстрацияларда келтирилган;

9. Ишратхона ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича ҳам тегишли таклифлар ишлаб чиқилди ва улар ҳам лойиҳада ўз аксини топди;

10. Биз Самарқанддаги Ишратхона ёдгорлигини чуқур ўрганар эканмиз, уни илмий тадқиқ ва муҳокама қилиш натижасида Ўрта Осиё халқ усталарининг ўтмишда қўлга киритган ютуқларини ижодий ва танқидий ўрганиш ва ижодий қайта ишлаш натижасида ҳозирги замон боғ-парк санъатида ҳам яхши натижаларга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қиламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Гуманитар адабиётлар

1. **Каримов И.А.** Ватан барчамиз учун мукаддасдир.-Тошкент ,1996.
2. **Каримов И.А.** Биз келажагимизни уз кулимиз билан курамиз. 7-том. –Тошкент, 1999.
3. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, 2007.
4. **Каримов И.А.** Жахон молиявий –иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари.-Тошкент, 2009.

Махсус адабиётлар

5. **Ахмедов М.Қ.** Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. –Тошкент, 1996 й.
6. **Абдунабиев Р.** Возражается Ишратхана.// Самаркандский вестник. 2012 г; 6 май.
7. **Уралов А.С.** Марказий Осиё ландшафт меъморчилигининг Чорбоғ услубига хос хусусиятилари. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001-йил 31-август. 37-сон. 1-бет.
8. **Захидов П.Ш.** Ишратхона-Великий кушк Дилкушо. 2-х томох. – Ташкент, 2007.
9. **Уралов А.С.** Ишратхона ҳақида ҳақиқат. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001-йил 31-август. 37-сон. 1-бет.
10. **Захидов П.Ш.** Меъмор олами, - Т., 1996.
11. Мавзолей Ишратхона: Моногرافический сборник под ред. М.Е. Массона. – Т., 1958.
12. **Шарафиддин Али Яздий.** Зафарнома, 293 б. 294 а, варақ
13. **Захриддин Мухаммад Бобир.** Бобирнома.–Тошкент, 1964.
14. **Вяткин В.Л.** Материалы к исторической типографии.–Тошкент, 1956.
15. **Якубовский А.Ю.** Образы старого Самарканда. –Тошкент 1958.
16. **Тошхўжаев А.У.** Самарқанд шаҳридаги “Ишратхона” обидаси заминидаги грунтларнинг физик-механик хусусиятлари. “Архитектура – қурилиш фани ва давр” (Илмий ишлар тўплами, I-қисм) –Тошкент, 2006.

17. “Самарқанддаги ”Оқсарой” ва “Ишратхона” тарихий обидалари заминидаги грунтларнинг юк кўтаприш қобилиятини аниқлаш, замин ва пойдеворларни таъмирлаш лойиҳаси” Илмий изланув ишлари ҳақида оралик ҳисобот, ТАҚИ, 2006.

18. С.С. Подъяпольский, Г. Б. Бессонов, Л.А. Беляев, Т.М. Постникова. «Реставрация памятников архитектуры». – Москва: Стройиздат, 1988.

19. “Ўзбекистон Архитектураси ва Қурилиши” журнали. - Тошкент, 2 сон 2010 йил.

20. Мавзолей Ишратхона: Монографический сборник под ред. М.Е. Массона. – Тошкент, 1958.